БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 43 (1305)
27 ФЕВРАЛЬ ЖУМА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Давлатимизни янада мустаҳкамлаш, унинг хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий ишларини кучайтириш — СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планини муваффақиятли бажаришнинг энг муҳим шартидир. Партия ва ҳукумат кейинги йилларда бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Бу тадбирлар совет демократиясини янада ривожлантиришни ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашни таъмин этди.

(«СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари»дан).

Ленинча миллий сиёсатнинг ажойиб самараси

Бундан уч кун илгари — 24 февралда социалистик Ватанимизнинг пойтахти Москвада Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадаси тамом бўлди. Ўн кун давом этган декалада ўзбек халқининг озод меҳнатини тараннум этувчи оҳангдор ва тўлқинли қўшиқлари, шеърлари, музикасининг ёқимли куйлари жонажон Москвада жаранглаб эшитилиб турди ва кенг янгради.

Декада ўзбек халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти барқ уриб яшнаётганлигини, республикамиз ижодий кучлари тинмай ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Коммунистик партиянинг ленинча доно миллий сиёсати тантанаси намойишга айланди, республиканинг ижодий ходимлари учун катта синов ва мактаб бўлди, кўп миллатли бутун совет социалистик маданиятимизнинг гоят катта байрамига айланди.

Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадаси партиямиз, халқимиз ҳаётида унутилмас ажойиб катта воқеалар юз берган тарихий бир вақтда — КПСС XXI съезди ўз ишини тамомлаб, бепоён мамлакатимизнинг ижодкор, меҳнатсевар халқлари буюк етти йиллик планнинг муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ ҳаракатига астойдил отланган бир вақтда ўтди. Партиямизнинг тарихий XXI съезди қарорларидан чексиз руҳланган республикамиз санъаткорлари ва адабиётчилари коммунистик қурилишда партия ва халқимизга янада яхшироқ хизмат қилишга бажонидил тайёр эканликларини, ҳозирги замон темасида ғоявий-бадиий жиҳатлан юксак савиядаги асарлар яратишга аҳд қилганликларини, қўлга киритган ижодий муваффақиятларини мустаҳкамлаган ҳолда партия кўрсатган кенг йўлдан олга — янги зафарлар сари боражакларини чин қалбдан изҳор этдилар.

Санъаткорларимиз ва адабиётчиларимиз декадага ўзлари яратган катта ижодий бойлик билан бориб, республикамиз «оқ олтин» ўлкасининг бўлиб қолмай, балки шунинг билан бир вақтда талантли ижодкор кишиларнинг ўлкаси ҳам эканлигини яна бир бор намоён қилдилар. Декада кунларида москвалик биродарларимиз қарийб 50 спектакль ва юз концертни зўр қизиқиш билан тамоша қилдилар. Улар кўпгина адабий кеча ва учрашувларда иштирок этиб, ўзбек халқи ўзининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятини ривожлантиришда тўғри йўллан бориб, ажойиб ютуқларга эришаётганлигини хурсандлик билан изҳор этдилар.

Ўзбекистон ёзувчилари ва санъаткорларининг кейинги йилларда қўлга киритган ажойиб ва самарали ютуқлари биргина ўзбек халқини эмас, шунингдек бутун мамлакатимиз халқларини беҳад қувонтирмоқда. Ёзувчиларимиз ва санъаткорларимиз «адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлайлик» деган партиямизнинг муҳим кўрсатмасига амал қилиб, халқимиз севадиган, унга маънавий озиқ берадиган, янги зафарларга илҳомлантирадиган йирик полотнолар яратдиларки, бундан ҳар бир совет киши қонуний равишда фахрланади. Шуни айтиш кифояки, агар ўтган декада вақтида Москвага 5 роман, 4 повесть ва 3 та ҳикоялар тўплами билан борган бўлсак, бу декадага 21 роман, 13 повесть, 36 поэма ва шеърлар тўплами, турли темаларда ёзилган бир нечта янги шеърлар ҳамда ҳикоялар тўпламлари олиб борилди.

Ёзувчиларимиз, рассомларимиз ва композиторларимизнинг ижодларида коммунизмнинг актив қурувчилари — ишчилар, колхозчилар ва совет зиёлиларининг ҳаёти ва кураши, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги, бузилмас халқлар дўстлиги, пролетар интернационализми ғоялари ўз ифодасини топганлиги чиндан ҳам қувончли воқеадир. Бу айниқса ёзувчиларимизнинг асарларини муҳокама қилишга бағишланган мунозараларда қайд этилди. Ўзбекистон адиблари асарларининг тематикаси ва жанрлари хилма-хил эканлиги, энг муҳим асарлар эса замонамизнинг жуда ҳам актуал темаларига бағишлангани алоҳида кўрсатиб ўтилди. Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи, Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести, Асқад Мухторнинг «Опасингиллар» романи, Ойбекнинг «Кўёш қораймас» романи шунингдек Ҳамид Ғулом, Ғафур Ғуломнинг ва бошқа ёзувчиларимизнинг асарлари декадада юксак баҳо олганлиги ёзувчиларимизнинг ижодий интилиши ҳар томонлама ривожланиб бораётганининг яққол исботидир.

Кейинги йилларда ўзбек совет драматургияси анча ривожланди ва у кўпгина янги асарлар билан бойиди. Янги саҳна асарларининг тематикаси актуал воқеалар — совет кишиларининг эскиликнинг сарқитларига қарши шафқатсиз курашини ҳар тарафлама кўрсатишга, талантли ва илғор кишиларнинг ёрқин образларини яратишга қаратилган.

Декадада ёзувчиларимиз билан бирга композиторлар, музикашунослар, рассом-санъатшунослар, кино санъати ходимлари ва ниҳоят ҳаваскорлик тўгаракларининг коллективлари ҳам ўз маҳорат ва ижодий ютуқларини зўр қувонч билан намойиш қилдилар. Республикамиз композиторлари ва санаткорлари декадага бир неча опера ва балет ҳамда бошқа йирик музика асарларини олиб бордилар. Москвалик музикашунослар ва пойтахтнинг талабчан тамошабинлари томонидан М. Ашрафийнинг «Дилором», С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши», А. Козловскийнинг «Улуғбек» операларига ижобий баҳо берилганлиги, ўзбек опера ва балет симфоник музикасининг халқчиллигини алоҳида уқдириб ўтилганлиги яқиндагина вужудга келган ёш ўзбек опера ва балет санъатининг тез ва муваффақиятли ривожланаётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Республикамиз санъати ва адабиётининг муваффақиятлари ҳақида декадада билдирилган фикрлар ва берилган юксак баҳолар санъаткорларимиз ва адабиётчиларимиз зиммасига янада муҳим ва катта шарафли вазифаларни юклайди. Замонавий, социалистик ҳаётимизни акс эттирувчи, етук асарлар яратиш, коммунизм қураётган ажойиб халқимизни янгидан-янги зафарларга чақирувчи, ёшларимизни, бутун совет халқини коммунистик ахлоқ руҳида, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбияловчи асарлар яратиш бутун санъат ва адабиёт аҳилларининг муқаддас бурчидир.

КПСС XXI съезди коммунизм қурилишининг улуғвор программасини чизиб берди. Бутун мамлакатимиздагидек республикамиз ва областимизда ҳам коммунистик меҳнат тобора авж олиб бормоқда, янги-янги социалистик қишлоқлар, посёлкалар, совхоз ва районлар, шаҳарлар вужудга келмоқда. Мана шулар ва коммунистик меҳнат аҳиллари ҳақида коммунизм қурувчи замонамизнинг қаҳрамонлари ҳақида юксак балиий полотнолар, улуғ замонамиз талабларига жавоб берадиган асарлар яратайлик!

Шубҳа йўкки, КПСС XXI съезднинг тарихий қарорларидан чексиз руҳланган адиб ва шоирларимиз, рассом ва санъаткорларимиз қўлга киритган муваффақиятларни яна ҳам мустаҳкамлайдилар ва кўпайтирадилар, коммунизм қураётган халқнинг қаҳрамонона ишини акс эттирувчи асарлар яратиб, улуғ партиямиз томонидан ўз олдиларига қўйилган катта ва масъулиятли вазифаларни шараф билан бажарадилар.

КПСС XXI съезди қарорларини тўла амалга ошириш учун курашайлик!

Йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун

Луганск областидаги шахталар, қурилиш ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Совет Иттифоқининг барча шахтерларига мурожаат қилиб, уларни кўмир қазиб чиқариш, капитал қурилиши планларини муддатидан илгари бажариш, мавжуд ишлаб чиқариш резервларидан янада тўлароқ фойдаланиш учун социалистик мусобақани қизитишга чақирдилар.

Луганск шахтерларининг бу ватанпарварлик чақириғи республикамизнинг кочегаркаси — Оҳангарон ҳавзасидаги кончилар, қурувчилар томонидан зўр қизиқиш билан қутиб олинди. Кўмир разрезининг донгдор экскаватор машинисти Хўжа Алиқулов бундай деди:

— Биз донбасслик касбдошларимизнинг бу ҳаракатини чин юракдан қувватлаймиз. Экипажимиз коллективи бу ташаббусга қўшилиб, ҳар сменада нормага қўшимча равишда 45 тоннадан кўмир қазиб чиқаришга аҳд қилди.

Ўртоқ Алиқулов етти йиллик охиригача нормани ками билан беш процент ошириб бажариш, ўрта мактабда таълим олишни охирига етказиш ва кон техникумини битириб чиқиш ҳақида шахсий мажбурият олди.

9-шахтанинг коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган навалоотбойчилар бригадалари ҳам Луганск шахтерларининг чақириғига жавобан ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Ўртоқ Э. Мустафоев бошчилигидаги бригада ҳар сменада ҳар бир кончи томонидан нормага қўшимча икки тоннадан кўмир қазиб чиқаришга ваъда берди. Кўмир разрезининг Леонид Линовой бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари эса ҳар сменада топшириқдан ташқари 3 тоннадан кўмир қазиб чиқариш мажбуриятини олдилар.

Кончиларга ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичларини яхшилашга янги техника катта ёрдам беради. Етти йиллиknинг биринчи йилида кон устини очишда олти кубометр ковшли экскаваторлар, кўмирни 600 метрга узатиб берувчи транспортерлардан фойдаланила бошланади. Кон устини гидравлик усул билан очиш янада кенгаяди.

Оҳангарон кончилари Луганск шахтерларининг чақириғига жавобан 1959 йилда пландан ташқари 70 минг тонна ёқилғи қазиб чиқариш мажбуриятини олдилар.

Социалистик мусобақани қизитаётирлар

Олтинтопган комбинати саралаш фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС XXI съезднинг тарихий қарорларидан руҳланиб, социалистик мусобақани тобора қизитаётирлар. Классификаторлар ва флотаторлар квартал планини муддатидан илгари ортиги билан бажариб, пландан ташқари юқори сифатли концентратлар тайёрлаш учун астойдил бел боғлаганлар.

Ўртоқ Чаплигин бошлиқ саралаш участкасининг сменачилари январь ойи маҳсулот ишлаб чиқариш планини анча ошириб бажардилар. Бу коллектив рух концентратларини олишда энг юқори кўрсаткичга эришди. Сараловчилардан Л. Салтиков, А. Воҳидов ўртоқлар агрегатларнинг ишлаб чиқариш қувватидан максимал фойдаланиш билан бирга, маҳсулот сифатининг аъло даражада бўлишини таъмин этдилар.

А. Селиванова, Г. Бирюков, Г. Варнавский каби классификаторлар йил бошидан буён смена нормаларини 130 процентдан кам бажарганлари йўқ. Мис ва мис концентратлари олишда Т. Афзалитдинов ҳамда А. Писин ўртоқлар яхши натижаларга эришаётирлар. Саралаш фабрикасининг ишчилари корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларини янада яхшилаш ҳамда электр энергиясини кўплаб иқтисод қилиш учун ҳаракат қилаётирлар.

Э. МЕЛЕКСЕТОВ.

Баракали меҳнат қилмоқдалар

Чирчиқ пахта тозалаш заводи коллективи КПСС XXI съезднинг тарихий қарорларидан руҳланиб, шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам баракали меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқариш маданиятини тинмай яхшилаш, ишчиларнинг улумли ишлашлари учун зарур шароитлар яратиб берилиши, оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган иш процессларини механизациялаш натижасида кунлик ва ойлик планлар муntазам равишда ошириб бажарилаётир.

Айниқса Ўртоқ Н Жевлякова бошчилигидаги комсомол-ёшлардан иборат бригада аъзолари меҳлатда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Улар аҳиллик билан ишлаб, ҳар сменада нормадаги 3800 килограмм ўрнига 5-6 тоннадан тола ишлаб чиқармоқдалар. Маннап Жалилов, Гулшан Асқаров, Муҳаммад Муллаев, Зайнаб Файзуллаева каби пешқадам ишчилар топшириқни 1,8-2 бараварга етказиб адо этмоқдалар.

Ҳ. МУСУРМОНҚУЛОВ,
М. ОЧИЛОВ.

Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантирайлик

(БОЕВУТ РАЙОН ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН)

Боёвут. Район партия активининг КПСС XXI съезди якунларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Бу ҳақда съезд делегати Ўртоқ **Федюнинский** доклад қилди. Докладдан сўнг қизғин музокаралар бошланди.

— Колхозчилар, — деди «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ **Латипов** — Улуғ Октябрнинг 41 йиллиги шарафига социалистик мусобақа қизғин давом этаётган кунларда далада астойдил ишладилар. Съездни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ҳаракати ана шу кунлардаёқ бошланган эди. Барча бригадалар пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажаришга ҳаракат қилдилар ва биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришдик. Давлатга пландагидан ташқари кўп миқдорда «оқ олтин» сотдик.

Энди мен артелимиз хўжалиги ўтган даврда қандай ривожланганлиги ҳақида қисқача гапириб бераман. Давлат томонидан кўрсатилган жуда катта ёрдам туфайли ўтган беш йиллик мобайнида колхозимизда пахта майдони 800 гектар кенгайди, ўтган йили хўжаликдан 22 миллион сўм, яъни 1953 йилдагига нисбатан уч марта кўп даромад олдик.

Етти йилликнинг биринчи йили бўлган 1959 йилда ва бутун етти йилликда биз ўз олдимизга янада катта ва шарафли вазифалар қўйилганлигини, уни муваффақият билан бажариш учун курашишимиз лозимлигини яхши биламиз. Шу туфайли бу йил барча майдондаги ғўзага механизмлар билан икки томонлама ишлов беришни назарда тутаётирмиз. Ҳозир барча сеялкаларни ремонт қилиб қўйдик, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар кунигача ҳамма тракторларни тайёрлаймиз. Ер тўла шудгор қилинган, барча суғориш системалари тартибга келтирилган.

Шундан сўнг Ўртоқ Латипов колхоз хўжалигини ривожлантириш юзасидан тузилган етти йиллик план ҳақида гапиради. У, колхознинг давлатга тайёр тола топшириш(шида) унга ёрдам бериш мақсадида Халқ хўжалиги кенгаши янги цех қуриш учун керакли ускуналарни берсин, деб илтимос қилди.

Карл Маркс номли колхоз партия бюросининг секретари Ўртоқ **Усмонов** колхозни комплекс равишда ривожлантириш лозимлиги ҳақида сўзлади.

— Пахтакорларнинг фикрича, — деди у, — Мирзачўлдаги колхозлар эндиликда боғ ва узумзорларни кенгайтириш масаласи билан жиддий шуғулланишлари керак. Колхозимизнинг етти йиллик планида боғдорчилик ва узумчиликдан 3-3,5 миллион сўм даромад олиш назарда тутилган. Кўриниб турибдики, орадан кўп вақт ўтмасдан биз меваларни мўл-кўл қилиб етиштиришга эришамиз.

Колхозда чорвачилик ривожланган. Ўтган йили ҳар бир соғин сигирдан 1957 йилдагига нисбатан қарийб бир ярим баравар кўп сут соғиб олинди. Келгуси йили биз ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинадиган сутнинг миқдорини ҳозиргига қараганда яна 500 литр оширишни мўлжалламоқдамиз.

Бунинг учун бу йил мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш масаласини узил-кесил ҳал қиламиз. Бу иш асосан маккажўхори экиладиган майдонларни кенгайтириш ва кўплаб силос бостириш ҳисобига амалга оширилади. Пахтачиликка келганда эса шуни айтиш керакки, колхоз бу йил мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни 5-7 центнер миқдорида оширади. Ҳозирги вақтда барча бригадаларда кўклам экишига яхши тайёргарлик кўрилаётир, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда асбобларини ремонт қилиш иши тугалланаётир.

3-«Боёвут» совхозининг директори Ўртоқ **Рашидов** пахтачиликни комплекс механизациялаш ва бригадаларда хўжалик ҳисобини жорий қилиш асосида хўжаликнинг рентабеллилик даражасини ошириш ҳақида гапирди. У, бу йил барча пахтачилик бригадаларида механизаторлар бошчилик қилишини, уларнинг комплекс равишда механизациялаштирилган ишлаб чиқариш участкаларига айлантирилишини ва ҳозиргинг ўзидаёқ хўжалик ҳисобига ўтказилаётганлигини кўрсатди.

Совхоздаги трактор-далачилик бригадаларининг аъзолари ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олаётирлар. Барча бўлимларда ёрдамчи ходимларнинг сони қисқартирилаётир. Бўлимларнинг сони қисқартирилиб, илгариги 6 тадан 4 тага келтирилди. Кўпчилик далачилик бригадалари йириклаштирилди.

Совхоз коллективи КПСС XXI съезди қарорларини амалга ошириш учун курашни ҳозирданоқ кучайтириб юборди. Ернинг шўрини ювиш ва далага ғўнг ташиб чиқариш қизғин давом этаётир. Ҳозиргача 600 гектар ернинг шўри ювилди ва далага ҳар гектар ерга ҳисоблаганда 10 тоннадан ғўнг ташиб чиқарилди.

Актив йиғилиши ишида Тошкент область партия комитетининг секретари Ўртоқ **Мирзабеков** иштирок этди.

Актив йиғилиши қатнашчилари етти йилликнинг биринчи йили — 1959 йилда Боёвут районидаги пахтачилик совхозларини ривожлантириш учун 50 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши ҳақидаги хушхабарни қувонч билан қарши олдилар.

Етти йилликда Боёвут районининг меҳнаткашлари олдида жуда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Улар 1965 йилга бориб етиштириладиган пахтанинг миқдорини йиллиг 70 минг тоннагача етказишлари керак. Актив йиғилишининг қатнашчилари район партия ташкилоти ва барча меҳнаткашлари бу вазифанинг уддасидан чиқаоладилар, деб ишонч билдирдилар.

Актив йиғилиши КПСС XXI съезди ишининг якунларини ва унда қабул қилинган қарорларни қизғин маъқуллаган кенг қарор қабул қилди.

Буюк Британия бош министри Гарольд Макмилланнинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан учрашуви

25 февралда Буюк Британия Бош Министри Гарольд Макмиллан билан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев яна учрашдилар.

Бош Министрнинг резиденциясида — Москва атрофидаги дачала бўлган бу учрашув вақтида икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан фикр олишиш давом этди.

Суҳбатда Совет томонидан Н. С. Хрушчев билан бирга СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. И. Микоян, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик қатнашдилар.

Суҳбатда Англия томонидан Гарольд Макмиллан билан бирга ташқи ишлар министри Селвин Ллойд ва Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси сэр Патрик Райли иштирок этдилар.

БУЮК БРИТАНИЯ БОШ МИНИСТРИ Г. МАКМИЛЛАН СССР ИТТИФОҚИ БОЛЬШОЙ ТЕАТРИДА БЎЛДИ

Расмий давлат визити билан Москвада меҳмон бўлиб турган Буюк Британия Бош Министри Гарольд Макмиллан, Ташқи ишлар министри Селвин Ллойд ва унинг ҳамроҳлари 25 февралда СССР Давлат академик Большой театрида С. Прокофьевнинг «Ромео ва Жульетта» балетини тамоша қилдилар.

Спектаклда Буюк Британия ва СССР давлат байроқлари билан безатилган марказий ложада Англия давлат арбоблари билан бирга СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Маликлар бор эди.

Спектаклда СССРдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Спектакль бошланиши олдидан Буюк Британия ва СССР давлат гимнлари ижро этилди.

Спектаклда ҳозир бўлган тамошабинлар Буюк Британия ва Совет Иттифоқи давлат арбобларини ўринларидан туриб, гулдурос қарсаклар билан табриклидилар. (ТАСС).

ВЛКСМ Марказий Комитетининг тўртинчи пленуми

ВЛКСМ Марказий Комитетининг IV Пленуми 25 февралда ўз ишини давом эттирди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари К. Е. Семичастнийнинг КПСС XXI съезднинг «Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959—1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида»ги қарорлари муносабати билан комсомол ташкилотларининг вазифалари ҳақида қилган доклади юзасидан бошланган музокараларда ВЛКСМ Москва Комитетининг секретари Н. К. Корольков, Латвия ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. Д. Русқулис, Электростанциялар қурилиш министри И. Т. Новиков, Литва ССРдаги Винцас Кудерки номли колхоз раиси А. И. Багдонас, Озарбайжон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. Х. Безиров, ВЛКСМ Горький область комитетининг секретари П. Н. Староверов, Молдавия ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. Г. Буга, Сталин область «Горловскуголь» трестига қарашли 19-20 номерли шахта забойшчиги А. С. Бобельников, ЛКСМ Олтой ўлка комитетининг секретари В. С. Кузьмичев, ССР Маданият министри Н. А. Михайлов, Арманистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари С. Б. Богдасарян, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари С. П. Павлов, РСФСР Қишлоқ хўжалик министри И. А. Бенедиктов ва бошқалар қатнашдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми кун тартибидаги биринчи масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Кечки мажлисда кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Л. К. Балясная «Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги Қонунни бажаришда комсомол ташкилотларининг иштироки ҳақида доклад қилди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг IV пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

ИРОҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Совет Иттифоқи ҳукумати билан музокараларни тугаллаш ва СССР билан Ироқ Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамда техника ҳамкорлиги тўғрисида битим тузиш учун Ироқ Республикасининг ҳукумат делегацияси 25 февралда Москвага келди.

Делегация составида экономика министри доктор Иброҳим Кубба (делегация бошлиғи), соғлиқни сақлаш министри генерал-майор доктор Муҳаммад Шаввоф ҳамда қурилиш ва реконструкциялаш министри доктор Талат Ашшайбонийлар бор.

Внуково аэродромида делегацияни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси И. И. Кузьмин, СССР Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитети раиси С. А. Скачков, СССР министри И. Г. Кабанов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Ироқ, Бирлашган Араб Республикаси, Судан ва Ливан элчилари бор эди. (ТАСС).

Москвада Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасининг тамом бўлиши муносабати билан қабул маросими

Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасининг тамом бўлиши муносабати билан СССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги 25 февралда катта қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида сўзга чиққан СССР Маданият министри Н. Михайлов Ўзбекистон артистларини, музикачиларини, ёзувчиларини декаданинг муваффақиятли тамом бўлиши билан табриклади ҳамда уларга янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министри С. Азимов, СССР халқ артисти Тамарахоним пойтахт санъат арбобларига ва пойтахтнинг бутун жамоатчилигига самимий кутиб олганликлари ва декадани ўтказишда берган ёрдамлари учун ташаккур изҳор қилдилар.

Шунингдек, СССР халқ артистлари М. Царев ва А. Свершников, Ленин мукофоти лауреати А. Н. Туполев ҳам ўзбекистонлик меҳнатчиларни табриклидилар.

Қабул маросимида Ўзбекистон ССР Марказий Комитетининг секретари З. Раҳимбобоева, декада қатнашчилари, Москванинг жуда кўп арбоблари, дипломатик корпус кишилари ҳозир бўлдилар.

Етти йилликни муддатидан илгари бажарамиз

Тошкент Совнархози корхоналари ходимлари партия-хўжалик активининг йиғилиши

<>

25 февралда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлислар залида Тошкент маъмурий-иқтисодий райони саноат корхоналари ходимларининг партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Актив йиғилишида корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари, бошлаштирмачи партия ташкилотларининг секретарлари, фабрика ва завод касаба союз комитетларининг раислари, партия ҳамда совет ходимлари, республика Госпланининг вакиллари, шунингдек мусобақадош Киев ва Фарғона маъмурий-иқтисодий райони меҳнаткашларининг делегациялари иштирок этдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **С. Нуриддинов** қисқача нутқ сўзлаб, йиғилишни очди.

Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ **Э. Эгамбердиев** «КПСС XXI съезди қарорлари ва 1959 йил давлат планини муваффақиятли бажаришда саноат ходимларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

— КПСС нинг XXI съезди, — деди ўртоқ Э. Эгамбердиев, — халқимиз тарихидан ва бутун инсоният тарихидан давримизнинг энг катта воқеаси сифатида муносиб ўрин олади. Съезд мамлакатимиз тараққиёти ўзининг янги тарихий даврига — коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш даврига қадам қўйганлигини кўрсатди. Тошкент иқтисодий районининг меҳнаткашлари бутун совет халқи каби съезд қарорларини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Улар халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планини муваффақият билан бажариш учун ўзларининг бутун куч ва қувватларини сарфлашга тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

Докладчи етти йилликнинг асосий проблемаларини кўрсатиб ўтиб, Тошкент иқтисодий райони саноат корхоналари коллективларининг олдида турган конкрет вазифаларга муфассал тўхталди. Совнархозга қарашли саноат корхоналарида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1965 йилга бориб 1958 йилдагига нисбатан анча кўпаяди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техника ва ишлаб чиқаришнинг илғор методларини жорий қилиш базасида оғир саноатнинг етакчи тармоқларини тез суръат билан юксалтириш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон металлургия заводида пўлат эритишни 12,6 процент ва прокат тайёрлашни 37,7 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда. Рангли металлургия ғоят даражада ривожлантирилади. Етти йиллик мобайнида бу тармоқнинг ялпи маҳсулот ҳажми тахминан 8,4 баравар кўпаяди. Кимё саноатини юксалтиришга алоҳида эътибор берилади. Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш уч баравар ортади. Чирчиқ электр кимё комбинати тўла реконструкция қилинади. Бухоро табиий газидан комплекс фойдаланиш базасида янги синтетик маҳсулотлар — сирка кислотаси ва ацетилцеллюлоза ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бу эса республикада ацетат ипак ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятини беради. Минерал ўғитлар тайёрлаш 61 процент кўпайтирилади, мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш ташкил этилади. Маҳаллий хомашёдан фойдаланилган ҳолда лак-бўёқ маҳсулотлари тайёрлаш анча кўпайтирилади, гидролиз саноати кенгайтирилади.

Партия XXI съездининг қарорларида нефть ва газ чиқаришни устун даражада ривожлантириш билан баргаликда кўмир саноатига ҳам эътибор бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилади. Етти йиллик мобайнида кўмир чиқариш 63,6 процент кўпайтирилади. Электр қуввати ҳосил қилиш қарийб 3 баравар ортади. Арзон кўмир ва табиий газ асосида ишлайдиган ёқилғи электр станциялари қурилишига кўпроқ эътибор берилади. Оҳангарон ГРЭСи тўла қувват билан ишлай бошлайди. Бухоро табиий гази асосида ишлайдиган Тошкент ГРЭСи қурилиши бошланади. Етти йиллик охирига бориб аҳоли жон бошига электр қуввати ҳосил қилиш жиҳатидан бизнинг иқтисодий районимиз Совет Иттифоқидаги етакчи ўринларнинг бирига чиқиб олади. Машинасозлик саноатининг маҳсулоти ҳам анча кўпаяди. Пахта етиштиришни ва уни йиғиб-териб олишни комплекс механизациялаш имконини берувчи машина ва механизмлар ишлаб чиқаришга катта эътибор берилади. Тўқимачилик ва кимё саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш янада кўпайтирилади.

Етти йилликда бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш 3,5 баравар ортади.

Аҳоли кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш тағин ҳам кўпайтирилади. Енгил саноатнинг ялпи маҳсулоти етти йиллик мобайнида 50 процент ортади. Товарларнинг ассортиментини янада кенгайтириш ва сифатини яхшилашга жиддий эътибор берилади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Етти йиллик мобайнида меҳнат унумдорлиги ҳар бир ишчи ҳисобига 60 процент ортади. Саноат маҳсулоти таннархини тақосланган баҳоларда 5,6 процент камайтириш мўлжалланмоқда.

Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши саноатини ривожлантиришга жуда катта маблағ ажратилади. 1959—1965 йиллар мобайнида 1952—1958 йилларда сарф қилинган капитал маблағларга қараганда 40 процент кўп маблағ сарфланади. Бу маблағлар асосан рангли металлургия, кимё, кўмир, машинасозлик саноатини ривожлантиришга ҳамда электростанциялар ва бинокорлик материаллари саноати қурилишига сарфланади. Уй-жой ва коммунал қурилиши учун 678 миллион сўм, клуб ва болалар боғчалари қурилиши учун 13 миллион сўм маблағ сарфланади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ҳамда мавжуд корхоналар сонининг ортиши ҳисобига олиниб, етти йиллик мобайнида ишчи ва хизматчилар сонини 25 процент кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Етти йилликда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ошириш билан бир қаторда, меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш соҳасида бошланган ишлар тугалланади.

— Етти йилликнинг биринчи йилида олдимизда турган вазифаларга тўхталишдан олдин, — деди ўртоқ Эгамбердиев, — 1958 йил иш натижаларига қисқача тўхталиб ўтишга рухсат берингиз.

Тошкент Совнархози корхоналарининг коллективлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар. 1958 йил ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари — 22 декабрда бажарилди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича берилган топшириқ 3,4 процент ортиги билан бажарилди. Товар маҳсулот таннархини камайтириш йўли билан пландан ташқари 87,6 миллион сўм маблағ иқтисод қилинди. Жамғарма тўплаш плани 20,2 миллион сўм ортиғи билан бажарилди.

Партия ва ҳукуматнинг маъмурий-бошқарув ва хўжалик аппарати структурасини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш, улардаги ходимлар сонини камайтириш тўғрисидаги Директиваларига асосан Совнархоз бу соҳада бир қанча тадбирларни амалга оширди. 38 корхона цехсиз бошқарув структурасига ўтказилди, цехлар сони 213 тага камайтирилди. Бу тадбир 800 кишини бўшатиш ва уларни бошқа ишларга ўтказиш, давлатнинг 11,4 миллион сўм маблағини тежаш имконини берди.

КПСС XXI съездининг қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон металлургия заводи, «Ўзбекуголь» комбинатининг корхоналари, Бекобод цемент комбинати, Оҳангарон цемент ва Янгийўл гидролиз заводлари, «Ташэнерго» корхоналари қисқартирилган иш куни ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги усулларига ўтдилар.

Совнархоз корхоналарида социалистик мусобақанинг янги формаси — коллективларнинг коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун бошланган ҳаракат тобора кенг қулоч ёймоқда. Ҳозир ана шу шарафли номни олиш учун 200 бригада фидокорона меҳнат қилмоқда. 18 бригада бу шарафли номга эга бўлди. Социалистик мусобақа жараёнида кўпгина талантли ишлаб чиқариш илғорлари етишиб чиқмоқда.

Бу ютуқларни қўлга киритишда янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида амалга оширилган тадбирлар ғоят катта роль ўйнади. Умуман Совнархоз бўйича йилига 19 миллион сўмлик иқтисодий фойда берадиган 227 та ташкилий-техникавий тадбир амалга оширилди. Янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш йўли билан Ўзбекистон металлургия заводида мартен печларининг ҳар квадрат метр тубидан пўлат олишда Совет Иттифоқидаги металлургия заводлари ўртасида қарийб энг юқори кўрсаткичга эришилди.

Машинасозлик саноати корхоналарида 37 та технологик поток линияси ташкил этилди, 227 единица металл кесувчи ва темирчилик-пресс асбоб-ускуналари модернизация қилинди, 53 та кўп позицияли комбинациялашган штамп, 33 та махсус станок, 28 та автомат ва ярим-автоматлар жорий этилди. Пойафзал фабрикаларида 23 та конвейер ишга туширилди. Пойафзални қолипга тортмасдан тайёрлашдек янги прогрессив метод амалга оширилди. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини 15 процент ошириди.

Ўрта мактабларни тамомлаган ёшларга касб ўргатиш соҳасида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Ёшлардан 5754 малакали ишчи тайёрланди, шу жумладан маҳаллий миллат ёшларидан 1663 кишига касб ўргатилди.

Умуман 1958 хўжалик йили муваффақият билан якунланган бўлсада, Совнархоз, унинг бошқармалари, корхона ва ташкилотлар ишда ҳали жиддий камчиликлар бор. 154 корхонадан 23 таси планни бажармади ва давлатга белгиланганидан 87,2 миллион сўмлик маҳсулотни кам берди. Жумладан, Тошкент подшипник заводи, Чирчиқ ойна заводи, граммпластинка заводи, Оҳангарон ва Мирзачўл ёғ-сут заводлари, Тошкент гўшт комбинати, 2-ва 5-гишт заводлари бошқармалари, 8 пахта заводи, Оҳангарон ГРЭСи ва бошқа бир қатор корхоналар 1958 йил топшириғини бажармадилар. Бошқа корхоналарнинг ишида ҳам бир қанча жиддий камчиликларга йўл қўйилди. «Ўзбекуголь» комбинатида кон устини очиш ишлари муттасил бажарилмай келинди. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришга тўсқинлик қилди. «Таштекстильмаш», «Подъёмник» ва «Ташкенткабель» заводлари маҳсулотнинг энг муҳим турлари бўйича топшириқни бажармадилар. 21 корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича берилган топшириқ бажарилмай қолди. Бу камчиликларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги жиддий нуқсонлар оқибатидир.

Бир қатор корхоналарда янги техникани жорий қилиш, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга етарли эътибор беридмайтир. Жумладан, Олтинтопган комбинатида профессор Мостовий методини жорий қилиш бўйича тажриба ишлари плани бажарилмай қолди. «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш» ва экскаватор заводларида қуюв конвейерлари тайёрлаш ва уларни ўрнатиш соҳасидаги ишлар охирига етказилгани йўқ.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, корхоналаримизда унумсиз харажатлар ҳали ҳам кўп. Ўтган йили Совнархоз корхоналари бўйича унумсиз харажатлар 30,6 миллион сўмни ташкил этди. Пландан ташқари кўриладиган брак 1957 йилдагига қарганда икки баравар кўпайди. «Таштекстильмаш» заводида ўтган йили унумсиз харажатлар 824 минг сўмни ташкил этди. Бу корхона вагонларни нормадан ортиқ тутиб қолганлиги учун 119 минг сўм жарима тўлади, бракдан 1 миллион 100 минг сўм зарар кўрди. Буларнинг ҳаммаси корхонани оғир молиявий аҳволга солиб қўйди. Машинасозлик бошқармаси ана шу камчиликларни тугатишда заводга ёрдам бериш ўрнига бошқа корхоналар ҳисобидан бу заводга маблағ олиб бериш йўлини тутган. Натижада ҳозир завод белгиланганидан 3,5 миллион сўм ортиқ оборот маблағига эга.

Ишлаб чиқаришни ва молиявий кўрсаткичларни планлаштиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Тошкент чинни заводида 1957 йилдаги 2,8 ўрнига 1958 йилда ишлаб чиқаришдаги брак 2,99 процент миқдорида планлаштирилган. Ҳақиқатда эса брак умумий маҳсулотнинг 1,76 процентини ташкил этган. Ўз-ўзидан маълумки, бу каби планлаштириш коллективларни маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ва корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш учун сафарбар қилишга ёрдам бермайди.

Совнархоз корхоналари ишидаги камчиликлар даставвал, кадрлар билан етарли даражада иш олиб борилмаётганлиги натижасидир. Халқ хўжалиги кенгаши, бошқарма раҳбарлари, Совнархознинг кадрлар бўлими раҳбар ва инженер-техник ходимлар состави сифатини яхшилаш масалалари билан етарли даражада шуғулланмаётирлар. Ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муттасил бажармай келаётган, қаётдан орқада қолган ходимларга нисбатан айрим ҳолларда муросасозлик қилиб келинмоқда. Ёш мутахассисларни пастдан юқорига кўтариш ишларида ҳам бирмунча камчиликлар бор. Маҳаллий миллат вакилларидан кадрлар тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш соҳасидаги камчиликлар ҳали тугатилган эмас.

Иқтисодий-маъмурий районимиз корхоналари коллективлари олдида ғоят катта вазифалар турибди.

1959 йилда Совнархоз корхоналари кўпгина янги хил маҳсулотлар, чунончи пахта териш машиналари, автоприцеплар ва ярим-прицеплар, ёмғир ёғдиралиган установкалар, ўғит соладиган машиналар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирадилар. Енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг ассортименти кенгайтирилади ва сифати яхшиланади.

Халқ хўжалик кенгаши янги техника ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича асосий тадбирлар плани ҳақида кўриб чиқди ва тасдиқлади. Олдимизда турган вазифаларни шараф билан бажариш учун ва янги техника соҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун бир қатор конструкторлик ва технологик бюролари ҳамда тажриба-ишлаб чиқариш цехлари ташкил этиш, буларга энг яхши инженер-техник ходимларни жалб қилиш зарур. Совнархоз бошқармалари ҳамда корхона раҳбарларининг ва даставвал бош инженерларнинг янги техникани жорий қилиш бўйича белгиланган планларнинг сўзсиз бажарилиши учун бўлган жавобгарлигини янада ошириш лозим. Корхоналардаги эскириб қолган асбоб-ускуналарнинг иш унумдорлигини ошириш мақсадида уларни модернизациялашга алоҳида эътибор бериш керак.

Капитал қурилиш соҳасида айниқса жиддий камчиликлар бор. 1958 йилда Совнархоз бўйича капитал қурилиш плани 86 процент бажарилди, холос. Фақат икки бошқарма — машинасозлик саноати ва пахта-луб экинларини дастлабки ишлаш бошқармалари ажратилган капитал маблағларни ўзлаштирдилар. «Ўзбекуголь» комбинати барча объектлар зарур лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда етарли маблағ билан таъминланган бўлишига қарамай, белгиланган топшириқни бажаришгина эмас, балки ошириб бажариш учун ҳамма имкониятлари бўлишига қарамай, ажратилган маблағдан 51 миллион сўмини ўзлаштира олмади. Худди шундай аҳволни қатиқ қотишмалар заводи ва Олтинтопган комбинатида ҳам кўриш мумкин. Бу соҳадаги камчиликларнинг юз беришига объектларда ишни сust ташкил этган Қурилиш министрлиги айбдордир. Лекин Совнархоз, унинг бошқармалари ва корхона директорлари ҳам қурилиш ташкилотлари билан бир қаторда капитал қурилиш планининг бажарилмай қолганлигига жавобгардирлар. Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўлмаганлиги учунгина ўтган йили планда белгиланган Оҳангарон районидаги цемент заводи қурилишини бошлаш мумкин бўлмади.

1959 йилда капитал қурилишига 941 миллион сўм, шу жумладан уй-жой қурилишига 106 миллион сўм ажратилди. Ишлаб чиқариш планларини муваффақият билан бажариш кўп жиҳатдан янги ишлаб чиқариш қучларини ўз вақтида ишга туширишга боғлиқдир.

Совнархоз корхоналарининг коллективлари етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун курашни ҳозирнинг ўзидаёқ кенг авж олдириб юбордилар. Январь ойи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи 105,9 процентга етказиб бажарилди. Лекин шу билан бирга бир қатор корхоналар ҳали ҳам қониқарсиз ишламоқдалар. Жумладан, бинокорлик материаллари саноати бошқармасининг 5 корхонаси давлат планини бажармади.

Иқтисодий районимиз меҳнаткашлари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларига жавобан етти йиллик топшириқларини шараф билан бажариш мақсадида социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдалар. Бугун ўз зиммамизга олдиган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажариш Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXI съезди қарорларини амалга ошириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига бизнинг қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади.

Музокараларда Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори ўртоқ **Абдуллаев** биринчи бўлиб сўзга чиқади. У, тўқимачилар КПСС XXI съездини муносиб кутиб олиш учун курашиб, 1958 йил программасини муддатидан илгари бажарганликларини ва қўшимча равишда 2 миллион 516 минг метр газмол ишлаб чиқарганликларини айтади. Январь ойи топшириғи ҳам шараф билан бажарилди — пландан ташқари 480 минг метр газмол тайёрланди.

Етти йилликда коллектив олдида катта вазифалар турибди. 1965 йилга бориб, тайёр газмоллар ишлаб чиқариш 20 миллион сўмлик кўпайтирилади. Бунга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Эскирган асбоб-ускуналарни янгилари билан алмаштириш, станок ва машиналар қисмларини модернизациялаш, оғир иш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш мўлжалланмоқда. Контроль рақамларини муҳокама қилиш даврида комбинат коллективи корхонани янада кенгайтириш — янги фабрика қуришни таклиф этди. Бу таклиф республика ҳукумати томонидан маъқулланди.

Нотиқ, комбинат ишидаги камчиликлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди. Уй-жой етишмаганлиги сабабли корхонада ишчилар қўнимсизлиги катта. Республика Госплани ва Тошкент Совнархозига тўқимачиларнинг жиддий эътирозлари бор. Госплан комбинатга қалава ип ишлаб чиқариш юзасидан асосланмаган план берган. Совнархоз корхонани янги техника билан таъминлаш ҳақида кам қайғираётир. Совнархоз ходимлари комбинат ишини етарли равишда чуқур ўрганмаётирлар, улар бу энг катта ишчилар коллективи ўртасида камдан-кам бўладилар.

Пировардида ўртоқ Абдуллаев комбинат коллективи йиллик планни 26 декабргача бажаришга қарор қилганлигини айтди.

Оҳангарон ГРЭСининг бош инженери ўртоқ **Егоров** сўз олади. Етти йиллик охирига бориб, Ўрта Осиёдаги бу энг йирик электростанция тўла қувват билан ишлай бошлайди. Лекин ҳозирнинг ўзида ҳам у область энергетика балансида жуда катта роль ўйнаётир. Пил бошидан бери пландан ташқари 10 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинди. 1100 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинди.

Нотиқ бир қатор муҳим объектларни ишга туширишнинг кейинга судралиб кетаётганлиги учун ҳамда иш сифатининг пастлиги учун қурувчиларни кескин танқид қилди. Ҳозиргача ҳам кўпгина камчиликлар тугатилган эмас. Уй-жой бинолари жуда сust қурилмоқда, энергетиклар посёлкасини ободонлаштириш бўйича белгиланган тадбирлар бажарилмаётир.

Сўз Ўзбекистон металлургия заводи мартен цехининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **Ганиев**га беридади. 1958 йилда завод коллективи пландан ташқари бир неча минг тонна пўлат ва прокат ишлаб чиқарди. Пўлат эритишнинг муддати пландаги 7 соат 12 минут ўрнига ўрта ҳисобда 6 соат 51 минутни ташкил этди. Печь тубининг ҳар квадрат метридан пландаги 8,06 тонна ўрнига 8,26 тоннадан пўлат олинмоқда. Прокатчилар ҳам ўз ишларини бирмунча яхшиладилар.

Ўтган йилнинг III ва IV кварталларида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун завод коллективига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроғи берилди. Металлургларнинг бажарилмай қолганлигига жавобгардирлар. Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўлмаганлиги учунгина ўтган йили планда белгиланган Оҳангарон районидаги цемент заводи қурилишини бошлаш мумкин бўлмади.

1959 йилда капитал қурилишига 941 миллион сўм, шу жумладан уй-жой қурилишига 106 миллион сўм ажратилди. Ишлаб чиқариш планларини муваффақият билан бажариш кўп жиҳатдан янги ишлаб чиқариш қучларини ўз вақтида ишга туширишга боғлиқдир.

Совнархоз корхоналарининг коллективлари етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун курашни ҳозирнинг ўзидаёқ кенг авж олдириб юбордилар. Январь ойи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи 105,9 процентга етказиб бажарилди. Лекин шу билан бирга бир қатор корхоналар ҳали ҳам қониқарсиз ишламоқдалар. Жумладан, бинокорлик материаллари саноати бошқармасининг 5 корхонаси давлат планини бажармади.

Иқтисодий районимиз меҳнаткашлари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларига жавобан етти йиллик топшириқларини шараф билан бажариш мақсадида социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдалар. Бугун ўз зиммамизга олдиган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажариш Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXI съезди қарорларини амалга ошириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига бизнинг қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади.

Музокараларда Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори ўртоқ **Абдуллаев** биринчи бўлиб сўзга чиқади. У, тўқимачилар КПСС XXI съездини муносиб кутиб олиш учун курашиб, 1958 йил программасини муддатидан илгари бажарганликларини ва қўшимча равишда 2 миллион 516 минг метр газмол ишлаб чиқарганликларини айтади. Январь ойи топшириғи ҳам шараф билан бажарилди — пландан ташқари 480 минг метр газмол тайёрланди.

Етти йилликда коллектив олдида катта вазифалар турибди. 1965 йилга бориб, тайёр газмоллар ишлаб чиқариш 20 миллион сўмлик кўпайтирилади. Бунга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Эскирган асбоб-ускуналарни янгилари билан алмаштириш, станок ва машиналар қисмларини модернизациялаш, оғир иш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш мўлжалланмоқда. Контроль рақамларини муҳокама қилиш давр

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар сайловларини пухта тайёрлик билан кутиб олайлик!

ХАЛҚ КАНДИДАТИ

ЙИЛЛАР ТУҲФАСИ

Кечки пайт. Бусалима хола уйда набирасини ўйнатиб, радио тинглаб ўтирарди. Ошга сабзи-пиёз босиб келган келини ундан сўради:

— Ойи, ошнинг гурунчини солаверайми, дам егунча дадамлар ҳам келишиб қолар, дейман.

— Сал туратуринг, болам, улар келишсин. Мажлис чўзилиб кетса ошингиз ланж бўлиб қолади.

Келин яна ўчоқбошига кетди. Бусалима хола бугун клубда мажлис бўлади, деб эшитган бўлса ҳам, уни қандай йиғилиш эканини билмасди. Бу маҳал колхоз радиоузели клубдаги мажлисни олиб эшиттира бошлади. Буни эшитиб Бусалима хола ўз қулоқларига ишонмай шоша-пиша келинини чақирди.

— Ҳой келин тезроқ буёққа келиб, радиога қулоқ солинг, нима деяпти?

Келин эшикдан кириши билан яна кимдир ҳаяжонланиб жўшқин гапира бошлади.

— Ўттиз йилдан бери чарчамай механизаторлик қилиб келаётган, колхозимизда қанча тўқай ва қир ерларни ўзлаштиришда катта ҳисса қўшган ўртоқ Саттор Пирназаровни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилсин деган таклифни мен ҳам қувватлайман...

Бу сўздан сўнг кучли чапак товуши эшитилди. Бусалима хола тушунмаганиданми, ёки тушунган бўлса ҳам яна аниқлаб олиш учунми келинига нима деяпти дегандай қаради. Келини ёш болалардай қувониб кетди.

— Вой ойижон, суюнчи беринг, суюнчи, дадамни депутатликка номзод қилиб кўрсатишибди.

— Ҳалиям дадангиз икки сайловдан бери депутат-ку.

— Дадам олдин область Советига депутат эдилар. Энди Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланадилар.

— Шунақами? — Бусалима хола ўрнидан туриб кетди. Радионинг олдига келиб астойдил қулоқ солди. Шўхлик қилиб қичқирган набирасини «жим тур» деб уришиб қўйди. Лекин энди радиодан сўз ўрнига Бусалима хола яхши кўрадиган куй эшитилди. аммо бу куй ҳозир унга ёқмади. Эри ҳақидаги сўз тез тамом бўлиб қолганига ҳафа бўлди.

Мажлис тамом бўлганини билган Бусалима хола шошиб қолди. Ўзи уйнинг ёқ-буёқларини йиғиштира бошлади. Келинига ошга гурунч солишни, самовар қўйиб юборишни тайинлади. Қайнона-келин ва набиралари Саттор аканинг келишини сабрсизлик билан кута бошладилар.

Орадан хийла вақт ўтгач, кўча эшикдан шарпа эшитилди. «Тиқ» этса, эшикка қараб турган Бусалима хола севинчдан алланечук бўлиб кетди. Саттор ака ўғиллари билан кириб келди. У ҳозир ҳам одатдагича босиқ, тўё ҳеч қандай гап бўлмагандай вазмин қадам ташлади.

Дастурхон атрофида Саттор аканинг хотини, беш азамат ўғли, икки қизи, тўрт келини, катта-кичик тўқкиз набираси, жами 21 жон давра олиб унга тикилиб ўтиришарди. Улар ҳозиргина клубда бўлган мажлис қақида завқ билан мароқланиб сўзлашардилар. Ўтирганлар бирининг гапини иккинчиси илиб кетарди. Бу сўзлардан таъсирланиб ўтирган Бусалима хола ҳам шундай ғурунчли кунларга етказган ҳукуматга, партияга миннатдорчилик билдириб анча гапларни айтмоқчи бўлиб гап бошлади.

— Илойим ҳукуматимиз бор бўлсин, қанча-қанча даданга ўхшаган кишилар рўёбга чиқияпти, — деди Бусалима ва тўхтаб қолди. Бошқа гапларини айта олмади. Буни фаҳмлаб ўтирган ўғилларидан бири ойисига ҳазиллашиб сўз қотди.

— Ойи, мажлисда сўз берилса, минбарга чиқиш билан сўзим тамом, деб қайтиб тушар экансиз-да.

Хонада кулги кўтарилди. Бусалима холанинг жаҳли чиққандай бўлди.

Саттор ПИРНАЗАРОВ.

— Ҳа бўпти, сенларнинг олдингда бир гап ҳам айтиб бўлмайди, гап билгунча иш бил, — деди тескари ўгирилиб.

Бу маҳал келин ошни сузиб келди. Ҳамма ошни мақтай-мақтай ея бошлади. Саттор аканинг ўғиллари, келинлари, қизлари, шу ҳовлидаги қатор қурилган ўз уйларига алла маҳалда чиқиб кетдилар. Саттор ака ўз ўрнига ётди. Лекин уйқуси келмади. Мажлисдаги гаплар унинг қулоқлари олдида ҳамон жаранглаб турарди. Уни ҳамма ўттиз йилдан бери тракторчи, деб айтди. Ҳамма унинг бу ишини улуғлади, фахрланиб тилга олди. Саттор ака ўзининг бу ишини бунчалик мақтовларга сазовор бўлишини билмаган эди. Ҳақиқатан ҳам мен шунчалик ҳурматга лойиқми, деб ўйлай-ўйлай кўзлари уйқуга кетди.

Эртаси куни райком ходимларидан бири колхоз идорасида Саттор ака билан узоқ суҳбатлашди. Саттор ака ўзининг таржимаи ҳолини тузилган йили 1905 йилдан эмас, 1929 йилдан бошлади.

— 1929 йил, бу ерларда трактор билан ер ҳайдаш энди расм бўла бошлаган кезлар. Ўша маҳалда Қорақўйли қишлоғига ҳам битта трактор юборилди. Одамлар бу «ажойиб» машинани қуршаб олиб, тамоша қилишди. Колхоз раҳбарлари мени тракторга сув ташувчи қилиб тайинлади. Тракторчиликка ишқибоз бўлганим учун сув ташиб юриб, бу машинани ўрганиб олишга ҳаракат қилдим. Уч ой деганда тракторнинг қулогини учунмунча бурайдигин ўгит ташиб чиқарилмоқда. Мавжуд техника тўла ремонтдан чиқариб қўйилди.

Бригадамизнинг меҳнатсевар аъзолари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳеч сўзсиз бажарадилар, областимизда бу йил пахта тайёрлаш планини тўла ado этиш учун бошланган курашга муносиб ҳисса қўшамиз.

И. СИДДИҚОВ,
3-«Боёвут» совхозининг 3-бўлимидаги трактор-далачилик бригадаси бошлиғи.

— Ҳа ўттиз йилдан бери тракторчи, — деб қўшимча қилди колхоз партия ташкилотининг секретари. Эргаш билан Деҳқон ишлаган 5—9-бригадаларимизда ҳар гектар ердан 30-31 центнердан ҳосил олинди.

— Нимага ҳозир сиз бригада механиги бўлиб ишламаяпсиз?

— Йигирма йил шу вазифада ишладим. Энди ёшим 54 га кирди. Ўтган йили бироз тобим қочгани учун 3-4 ойга МТСдан жавоб олдим. Ҳозир мен бўлмасам ҳам колхозимизда иш тўхтамайди, механизаторларимиз кўп.

— Бу киши етиштирган тракторчиларнинг сони 50 кишидан ошади, уларнинг анчагинаси ўз колхозимизда, — деди партия ташкилотининг секретари. У яна шуларни айтиб берди:

Ўтган йили баҳорда колхоз керакли машиналарни сотиб олган, машина сотиб олинган куни колхозда катта тўй бўлган, узоқ-яқин колхозлардан меҳмонлар келган. Сўнгра МТС директори керакли ҳужжатларни колхоз раисига топшираётганда «биз колхозга зарур бўлган ҳамма техникани ишончли қўлларга топшираяпмиз, чунки колхозда Саттор Пирназаров сингари моҳир механизаторлар оз эмас деган.

— Бу гап, — деди у сўзида давом этиб, — Саттор акамга жуда таъсир қилибди. Мажлисдан кейин келиб раисга мен ҳам ҳеч бўлмаса бирорта бригадада ишлайин, шундай пайтда четда турсам жуда хунук бўлар экан, дедилар. Кейин биз трактор-далачилик бригадаси тузиб, бу кишига юз гектар ер, учта универсал, 2 та пахта териш, 2 та кўрак териш ва иккита кўрак чувиш машиналари ажратиб бердик. Бригадада 20 киши ишлайдиган бўлди.

Улар яна анча гаплашиб ўтиришдилар. Саттор ака об-ҳаво ноқулай келгани учун ўтган йилги ишидан унча кўнгли тўлмаганини, 25 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олинганини, бу ўз мўлжалидан анча кам бўлганлигини, шундай бўлса ҳам бригадада ишлган ҳар бир киши ҳисобига 16 тоннадан пахта етиштирилганини айтди.

— Ўз иш тажрибангиздан гапириб берсангиз, — деди райкомдан келган йигит Саттор акага қараб.

— Мени иш тажрибам унча катта эмас. Фақат техникадан унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қилишдан иборат холос. Ўтган йили сира кетмон ишлатмадик. Чунки, гўзани беш марта узунасига, олти марта кўндалангига, икки марта бурчагига қараб культивация қилдик, уч марта кўндалангига юриб озиқлантирдик.

— Гўзани кўндалангига қараб озиқлантиришнинг қандай фойдаси бор?

— Фойдаси шуки, ўғит сув билан оқиб кетмайди, тупроққа аралашиб ўзининг тагида қолади. Унинг ҳикмати шу. — Саттор ака бир оз ўйлаб жим тургач, яна сўзида давом этди:

— Бу йил 20 киши 120 гектар ерга чигит экиб, ҳар бир киши ҳисобига 18 тоннадан пахта етиштирмоқчимиз.

Б. ХАЛИЛОВ,
Бўка, Вильямс номли колхоз.

Чигит экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрайлик!

★

Ҳар бир ишловчи ҳисобига 20 тоннадан пахта етиштирамиз

Яқинда бўлиб ўтган область пахтакорларининг кенгашида механизаторларнинг янги ташаббуси бошланди. Кенгашда сўзга чиққан бир механизаторнинг чақириғи ҳамма механизаторни оёққа турғизди. Партиямиз XXI съезди қарорларини бажариш учун шайланган механизаторлар бирин-кетин минбарга чиқдилар. Улар трактор-далачилик бригадаларида ҳаэ бир киши ҳисобига 15-20 тоннадан пахта етказиш, кетмонсиз ишлаш тўғрисида мажбурият олдилар. Шу жумладан мен ҳам кенгашда янги мажбурият олдим.

Маълумки, ўтган йили мен бошлиқ бўлган трактор-далачилик бригадасида 91 гектар ерда 30 киши ишлаб, ҳар бир ишловчи ҳисобига 10 тоннадан пахта етиштирилган эди. Ҳар гектар ердан 35,1 центнердан ҳосил йиғиб олган эдик. Лекин ерга нисбатан ишчи кучларининг сони кўп бўлган, ҳаэ бир кишига 3 гектардан ер тўғри келган эди. Биз кенгашда сўзлаган механизаторларнинг тажрибаларига таяниб, бу йил 150 гектар ерга чигит экишга ва ҳар бир ишловчи ҳисобига 20 тоннадан пахта етиштиришга қарор қилдик.

Партиямизнинг XXI съезди қарорларидан илҳомланган бригадамиз аъзолари ҳозиргача барча майдонларни шудгор қилиб қўйдилар. Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Мавжуд техника тўла ремонтдан чиқариб қўйилди.

Бригадамизнинг меҳнатсевар аъзолари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳеч сўзсиз бажарадилар, областимизда бу йил пахта тайёрлаш планини тўла ado этиш учун бошланган курашга муносиб ҳисса қўшамиз.

И. СИДДИҚОВ,
3-«Боёвут» совхозининг 3-бўлимидаги трактор-далачилик бригадаси бошлиғи.

Чигитни квадрат-уялаб экадилар

Ўтган йилги иш тажрибалари шуни кўрсатдики, чигитни квадрат-уялаб экиш ғўза парваришида сарфланадиган меҳнатни анча камайтирди, ҳосилдорликни оширди. Шунинг учун Верхне-волинск районидаги «Гулистон» ва «Социализм» совхозининг ишчилари бу йил барча майдонга квадрат-уялаб чигит экишни планлаштирдилар.

Чигитни квадрат-уялаб экиш анча мураккаб иш. Шу сабабли ҳар иккала совхозда ҳам махсус курслар ташкил қилиниб, унда 60х60 ва 50х50 схемаларида чигит экадиган агрегатлар учун кадрлар тайёрланмоқда.

Бу йил «Социализм» совхозида чигитни 60х60 схемасида жойлаштириш учун 16 та агрегат ажратилган. Бу агрегатлар тўла ремонт қилиб қўйилди.

Чигитни квадрат-уялаб экишга тайёргарлик кўриш районнинг Куйбишев номли колхозида ҳам қизғин бормоқда. Колхоз аъзолари 700 гектар ерни режа сими тортиб, чигит экишга тахт қилиб қўйдилар.

Ш. ОТАМУРОДОВ.
М. МАМАТҚУЛОВ,
Т. МАМАТҚУЛОВ.

Янгийўл районидаги Карл Маркс номли колхоз механизаторлари техникани кўкламги экиш кампаниясига сифатли тахт қилиб қўйиш учун курашмоқдалар. Суратда: механизаторлардан Ғ. Омонбоев ва А. Шайхисломов ўртоқлар ремонтдан чиқарилган ДТ-24 тракторини қайта кўрикдан ўтказмоқдалар.

З. Қуртнезиров фотоси.

Кўкламга тайёргарликни барвақт тугаллаш муҳим вазифа

(Газетхонларимиз хатларига обзор)

Жонажон партиямизнинг XXI съезди томонидан белиланган тадбирлардан илҳомланган областимиз пахтакорлари кўкламги экиш кампаниясига тайёргарликни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирдилар. Қишлоқ мухбирларимиз пахтакорларнинг ана шу ватанпарварлик ишлари ҳақида редакциямизга кўплаб хабарлар юбормоқдалар.

Ўртоқ **Т. Хушназаров** Оҳангарон районидаги «Тошкент» совхозидан хабар ёзиб, Ғойибберди Нишонов бошлиқ бўлган бригадада 100 гектар ер чигит экишга тахт қилиб қўйилганлигини, ҳозир ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш каби шу кунинг муҳим ишлари тўла амалга оширилаётганлигини кўрсатган.

Тарас Шевченко номли колхоз аъзолари, деб ёзади **И. Баратов** ва **У. Бобоёров** ўртоқлар Сирдарё районидан, бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирги кунда чигит киладиган 1000 гектар ер сифатли шудгор қилиб қўйилди, барча қишлоқ хўжалик машиналарининг ремонти ҳам вақтида тамомланди.

Гулистон районидаги Крупская номли колхозлан **Х. Тўев** ва **Х. Сагизев**, Ленин номли колхозлан **С. Абдурахмонов** ўртоқлар бундай деб хабар қиладилар: Крупская номли колхоз бу йил 1350 гектар ерга чигит экади. Бунинг 100 гектари янги ўзлаштирилган. Ҳозир бу майдонлар шудгорланиб қўйилди ва яхоб суви берилди. Ленин номли колхозда ҳам дала ишлари қизғин бормоқда.

С. Пиримқулов, Б. Тешабоев, М. Маматқулов ўртоқлар Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоларининг партия XXI съезди қарорларидан илҳомланиб, ерни чигит экишга пухта тайёрлаётганларини, бу ишда Абдуллажон Тўйчиев, Абдуллажон Умурзоқов ўртоқлар бошлиқ бўлган бригада аъзолари олдинги сафда бораётганларини хабар қиладилар. Шунингдек Миразачўллик ўртоқ **Қ. Азимов** «Коммуна» колхозининг аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайлов куни — 1 мартгача барча майдонларни чигит экишга тўла тайёрлаб қўйишга қатъий аҳд қилиб ишлаётганликлари ҳақида ёзган.

Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз аъзолари ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажара олмаган эдилар. Шунинг учун 1959 йилда ҳосилдорликни анча ошириб, ўз колхозларини мўл ҳосилли илғор хўжаликлар қаторига етказиб олиш учун курашмоқдалар. Бу ҳақда **К. Ортиқов, З. Холматов** ўртоқлардан хат олинди. Янгийўллик **М. Юсуфалиев, Б. Мирзаҳмедов** ва **О. Қозоқбоев** ўртоқлар эса Свердлов номли, Фрунзе номли, «Коммунизм» колхозларидан хабар қилишиб, бу колхозларда қишлоқ хўжалик машиналарининг ремонти жадал суръатлар билан олиб борилаётганлигини билдирганлар.

Октябрь районидаги Ленин номли колхоз аъзолари 1959 йилда мўл ҳосил етиштириш учун ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар. Далага қўшимча равишда маҳаллий ўғит чиқармоқдалар, сув йўлларини тозаламоқдалар. Уларнинг ана шу ишлари ҳақида ўртоқ **Т. Имомов** хабар юборган.

Бироқ кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш ишлари областимизнинг ҳамма колхоз ва совхозларида ҳам бир хилда эмас. Айрим колхоз ва совхозларда аллақачон бажариб қўйилиши лозим бўлган ишлар ҳеч қандай сабабсиз кечиктирилаётир. Ўртоқ **А. Каршибоев** Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхозлан, ўртоқ **О. Эшонқулов** «Пискент» совхозидан, **Х. Холмирзаев, М. Урозалиев** ўртоқлар Бекобод районидаги «Гулистон» колхозидан хабар қилишиб, бу ерда кўкламга тайёргарлик ишлари ёмон аҳволда эканлигини, чигит экилиши лозим бўлган ерлар жуда сустлик билан шудгор қилинаётганини маълум қилганлар.

★

ТАШАББУСКОР

Коммунист ўртоқ Валижон Мирзаев ўтган йили Октябрь районидаги «Коммунизм» колхозида бригада бошлиғи бўлиб ишлади. Илгари трактор бригадасининг механиги бўлиб хизмат қилган Валижон ака механизациядан тўғри ва унумли фойдаланиб, пахтанинг ялпи ҳосилини ошириш, унинг таннархини камайтириш, кўплаб меҳнат қўлларини тежаб қолиш йўлида мақтовга лойиқ ишларни қилди. 61 гектар ернинг ҳаммасида ғўзалар 60х60 схемасида икки томонлама парвариш қилинганлиги сабабли 1957 йилга нисбатан 3500 меҳнат куни кам сарфланди. Гектаридан олинган ҳосил 2,5 центнерданга ошди. Бригаданинг ҳар бир аъзосига ҳисобланганда давлатга 12,5 тоннадан пахта топширилди.

Республика қишлоқ хўжалиги илғорларининг XIII қурултойида ва жонажон партиямизнинг XXI съездида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бири механизациядан кенг фойдаланиш эканлиги алоҳида ўқтириб ўтилди. Валижон ака ўз бригада аъзолари билан бамаслаҳат бу йил трактор-далачилик бригадаси ташкил қилишга қарор қилди.

Ўртоқ Валижон Мирзаев бригадасига 12 колхозчи, 2 та универсал ва бошқа зарур инвентарлар ажратиб берилди. Ҳозир бу бригадада ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил етиштириш учун зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Д. СОДИҚОВ.

Техника ремонтига жиддий киришилди

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг техникани кўкламги экиш кампаниясига тахт қилиб қўйиш соҳасида юз бераётган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган қарори Бекобод районидаги Наванд номли колхоз механизаторлари ўртасида ишлаб чиқилди. Бунга қадар колхозда техникани ремонт қилиш ишлари анча суст олиб борилаётган эди. Қарорни ўрганиш пайтида механизаторлар қилинган ишларга назар ташлаб, техника ремонтини март ойигача тамомлаш мажбуриятини олдилар.

Ўша кундан бошлаб ремонт суръати кучайтирилди, сифатига алоҳида эътибор берилди. Натижада февраль ойининг йигирманчисигача тракторлар, сеялкалар ва культиваторларнинг 90 процента ремонт қилиб қўйилди. Қисқа муддат ичида ана шундай мураккаб ишларни қўлга киритишда Аҳмад Ҳасанов, Ҳамроқул Эшбоев, Отақул Йўлаҳшиев каби механизаторларнинг роли катта бўлди. Улар ишга эрта келиб, кеч қайтдилар, бир ўрнига бир ярим-икки норма иш бажардилар.

Колхоз устахонасида борона, культиватор пичоқлари ва плугларни ремонт қилиш ишлари ҳам қизғин бормоқда.

Н. ШЕРБЕКОВ.

Агитаторлар ғайрати

Тошкентдаги 28- ўрта мактаб биносига жойлашган 16- агитпунктда сайловолди кампанияси ҳар томонлама кучайтириб юборилган. Тажрибали коммунист ўртоқ Ғ. Жалилов агитаторларчинг сайловчилар ўртасида сиёсий агитацияни юқори савияда олиб боришлари, 3 минглан ортиқ сайловчининг ўз номзодларини яхши билиб олишлари учун бир қанча ташкилий тадбирларини амалга оширмоқда. Жумладан, агитаторларни йиғиб тез-тез инструктажлар, суҳбатлар ўтказиб туради, вақти-вақти билан агитбригадалар бошлиқларининг ҳисоботини эшитади, уларга консультациялар уюштиради.

Бундай тадбирлар самарали натижа бермоқда — агитаторлар сайловчилар ўртасида зўр ғайрат билан ишламоқдалар, агитпункт томонидан уюштирилаётган оммавий тадбирларда меҳнаткашлар уюшқоқлик билан иштирок этмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу ерда сайловчиларнинг депутатликка номзодлар билан учрашувлари, агитпункт томонидан уюштирилган лекция, суҳбат ва сайловчиларнинг кечалари қизиқарли ўтмоқда.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

Намунали агитпунктда

Тўқимачилар маданият саройи биносига жойлашган агитпункт шинам жиҳозланган бўлиб, бу ерда сайловчиларга маданий хизмат қилиш яхши йўлга қўйилган. Ҳар куни кечқурун сайловчилар газета журналлар ўқиш ва лекция эшитиш учун агитпунктга йиғиладилар. Яқинда бу ерда сайловчи ёшлар кечаси ўтказилди.

Сайловчиларнинг хоҳишлари ҳисобга олиниб, уларга лекция ва суҳбатлардан сўнг кино-картиналар кўрсатилмоқда. Агитпунктда «Кимё фани янгиликлари оммага» деган темада (тажрибаси билан) лекция, КПСС XXI съезди, Совет сайлов системасига бағишланган лекция ҳамда суҳбатлар ўтказилди.

Бу участкага биркитилган ип фабрикасининг актив жамоатчи ишчи ва хизматчиларидан 40 агитатор 14 та бригадага бўлиниб, уйма-уй юриб, сайловчиларга ўз номзодлари ҳақида сўзлаб бермоқдалар.

Ишчан агитаторлардан В. Асулгариева, Б. Шетенков, А. Муштатенко ўртоқлар Пограничная, Богдан Хмельницкий кўчаларида яшовчиларнинг ҳурматига сазовор бўлдилар.

К. РУЗИЕВА.

Янгиерликларнинг номзодлари

Областимизнинг энг кенжа шаҳри Янгиер меҳнаткашлари республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга зўр уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрмоқдалар. Кечқурунлари ҳамма агитпунктлар Ильич нурларидан чароғон ва меҳнаткашлар билан гавжум бўлади. Кун бўйи самарали меҳнат қилиб келган қурувчи ва монтажчилар, механизатор ва эшёлилар бу ерда кундалик газета ва журналларни ўқийдилар, радио тинглайдилар, доклад эшитадилар, мароқли концертларни тамоша қиладилар ва кинофильмлар кўрадилар.

Мирзачўлни ўзлаштирувчилар бу йил ўз шаҳарлари Советига иккинчи марта депутат сайлайдилар. Шу кунларда агитаторлар ва депутатликка номзодларнинг ишончли кишилари шаҳар, область Советларига ва республика Олий Совети депутатлигига кўрсатилган коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларини аҳоли ўртасида кенг пропаганда қилмоқдалар.

Кўпгина сайловчилар шаҳар Совети депутатлигига кўрсатилган машҳур бетончи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадамин Мамадалиевга, фидокор шоферлар Ҳошима Жумабоева ва Аня Низбоевалар номзодини мамнуният билан маъқуллаб мақоқдалар.

Фарҳод ва Қайроқкум гидроэлектростанцияларини қуришда жонбозлик кўрсатиб ишлаган, Янгиер шаҳри қурилишига келган биринчи отряднинг сўлдиги safida бўлган ва ҳозирда бир ўзи 2-3 кишининг ишини бажараётган новатор-бетончи Мадамин ака шаҳар аҳолиси ўртасида катта обрў қозонган. Шунинг учун ҳам шаҳар меҳнаткашлари уни ўз депутатлари қилиб сайламоқчилар.

Шаҳарда Ҳошима билан Аняни танимайдиган, уларнинг ўз шоферлик касбларини жондан севишларини ва умум иши учун фидокорона меҳнат қилишларини билмайдиган киши топилмаса керак. Шунингдек йўл қурилиш бошқармасининг новатор экскаватор машинисти, қудратли техника воситаси билан ўлик чўлга жон киритаётган, кўплаб ёшларга меҳр билан ҳунар ўргатаётган Шерқўзи Рўзматов ҳам шу шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган.

Янгиерликлар 1 март куни ҳалол ва фидокорона меҳнати, жамоат ишларида актив иштирок этиши туфайли кўпчилик ҳурматини қозонган номзодларга жон-дил билан овоз беражакларини айтмоқдалар.

Е. ГОДОВИКОВ.

Ўтган йилги „аттанг“ эсдан чиқмаслиги керак

Ўртасарой район пахтакорлари ўтган қишлоқ хўжалик йилида давлатга пахта топшириш планини бажаролмадилар. Нега деганда кўклам чигит экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрилмади. Шунинг учун ҳам чигит экиш анча кечикиб, ғўза парвариши даврида бир қатор камчиликларга йўл қўйилди.

Район пахтакорларининг вакиллари республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг XIII қурултойида «бу йил ишимизда ўзгариш ясаймиз, ўзимизни оқлаймиз» деб кўпчиликни ишонтирдилар. Ҳақиқатга келганда эса сўз бошқа-ю, иш бошқа. Шу кунларда район колхозларида кўклам дала ишларининг ҳаддан ташқари кечикаётганлиги бунинг исботи бўла олади.

Биз районнинг Охунбобоев номли колхози далаларида бўлиб, экиш кампаниясига қандай тайёргарлик олиб борилаётганлиги билан танишдик. Колхоз раҳбарларининг тумтароқ гапларига қараганда «барча қишлоқ хўжалиги машиналари тўла ремонтдан чиқарилган» эмиш. Аммо биз ана шу ремонтдан чиқарилган машина-тракторларни очиқ майдонда қор-ёмғир остида қисмларига ажратиб ётганлигини кўрдик. Аҳвол шундай бўлгандан кейин механизмларни кўклам экиш кампаниясига тахт қилиб қўйилган, деб бўладими?

Колхозда ариқ-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишлари ҳам ҳалдан ташқари суст бормоқда. Бунинг асосий сабаби колхозчилар ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетганлигида. Далада неча киши ишлаяпти, қандай тадбирлар амалга оширилаяпти? Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса айта олмайди. Биз колхоз раиси ўртоқ М. Рўзиматов билан суҳбатлашиб:

— Шу кунгача неча кубометр ариқ-зовур тозаланди? — деб сўрадик.

— Мен буни қаердан билай, — жавоб берди раис, — секретардан сўраш керак.

— Далага қанча ўғит ташиб чиқарилди?

— Анигини айтолмайман. Ҳар ҳолда 100 киламиз.

— Бу соҳага қанча транспорт ажратилган?

— Ҳаво юришиб кетсин, барча кучни сафарбар қиламиз.

Мана раиснинг жавоблари-ю, унинг ишга раҳбарлиги. Ҳақиқатни олганда ариқ-зовурларнинг ҳали 30-40 процентн ҳам тартибга солинмаган. Фақат 20-30 процент маҳаллий ўғит жамғарилган. Шундай бўлгач, чигит экиш кампаниясининг кечикиши, кейинчалик бармоқ тишлаб қолиниши турган гап.

Ана шундай аҳвол районнинг «Коммунизм» колхозида ҳам давом этмоқда. Ўтган йили йиллик планнинг бажарилишини таъминлай олмаган бу колхоз раҳбарлари бу йил ҳам аччиқ сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб олмаганлар. Колхознинг А. Абдураимов, У. Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида маҳаллий ўғит жамғариш плани 9-10 процент бажарилибди, холос. Ариқ-зовурларни тартибга солиш ишлари ҳам ўлда-жўлда етибди.

Районнинг энг йирик колхозларидан бири Свердлов номли қишлоқ хўжалик артелида ҳам 7 та универсал ва бир неча сеялка ҳалигача қадар мавсумга тахт қилинган эмас.

Райондаги кўпгина колхозларда ҳам универсаллар, сеялкалар ремонти жуда кечиктириб юборилмоқда. Запас қисмлар йўқ деган баҳоналар билан мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланилмаётир. Ҳар хил маркали тракторлардан 72 таси ва 50 та сеялка ҳанузгача ремонтдан чиқарилмаган.

Район колхозларида давлат томонидан берилган минерал ўғитларни ташиб олишга ҳам эътиборсизлик билан қаралмоқда. Масалан, «Коммунизм» колхозига тегишли 350 тонна минерал ўғитдан эндигина 50 тоннаси ташиб олинган, холос. Бошқа колхозларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, эрта-индин ишга тиғиз келган пайтда бу колхозларнинг раҳбарлари яна бир марта «аттанг», деб бармоқ тишлаб қоладилар.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари колхозларда йўл қўйилаётган ана шундай камчиликларни аниқлаб, тезда зарур чора ва тадбирлар кўришлари керак. Қишлоқ хўжалиги машиналари ремонтининг кечикаётганлиги ва бошқа қишки дала ишларининг кечикиб кетаётганлиги район раҳбарларини заррача бўлса ҳам ташвишлантирганда эди, бундай кўнгилсиз ҳолларга барҳам берилган бўларди. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришнинг вақти аллақачон етиб келган.

Х. ТУХТАБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг ... сус мухбири.



ОТ — Ҳа дўстим трактор йўл бўлсин?
ТРАКТОР — ГУТАБга, ўзим бориб запас қисм топиб келмасам бўлмайдиганга ўхшайди, Ё мени бор қилишсин, ё йўқ.
ОТ — Биродар яхшиси ГУТАБга бора кўрма, боришинг билан хомталаш қилиб, сени ҳам ҳаммага тарқатиб юборишади. Борингдан ҳам ажраласан!..

Н. Мелмед чизган расм.

Меҳнаткашларнинг маданий эҳтиёжларини тўла қондирайлик

(МУХБИРЛАРНИНГ ХАТЛАРИГА ОБЗОР)

Жонажон партиямиз ва Совет ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг фаровон яшаши ва маданий турмуш кечириши учун доимо катта ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Областимиз шаҳар ва қишлоқларида ўнлаб маданият уйлари, маданият саройлари ва юзлаб клублар, кутубхоналар, радиоузелларнинг бўлиши ана шу ғамхўрликнинг нишонасидир. Партиямизнинг навбатдан ташқари шонли XXI съезди ҳам маданий-оқартув муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳақида муҳим йўл-йўриқлар кўрсатиб берди. Областимиздаги маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти ҳақида газетхонларимизан жуда кўп хабарлар келиб турибди.

Верхне-волинск районидаги Чкалов қишлоғи кун сайин обод бўлиб бораётганлиги, бу ерда маданий-оқартув муассасаларнинг кўпаяётганлиги, янги-янги бинолар қад кўтараётганлиги ҳақида газетхон **Б. Тешабоев** хабар ёзиб юборган.

Янгиер шаҳридаги марказий кутубхонанинг китоб фонди тўхтовсиз ошиб бораётир. Яқинда 8 мини сўмлик ижтимоий-сиёсий, илмий-техника ва бадиий адабиётлар сотиб олинди,—деб ёзади ёш мухбир **Р. Отабоев.**

Бундай хабарларни кўплаб ўқиш мумкин. Жумладан, мухбирларимиздан **Э. Қамбаров** Тошкент шаҳар Октябрь районидаги болалар кутубхонасининг иши ҳақида, **М. Муродов** Оққўрғон район кутубхонасининг фаолияти тўғрисида, **Н. Собуров** Қорасув районида китоб пропагандаси яхши йўлга қўйилганлиги, **Ш. Ҳидиров** Верхне-волинск районида, **Т. Имомов** Октябрь районидаги кутубхоналарнинг яхши ишлаётганлиги ҳақида сўзлайдилар.

Янгиўўлдик ёш мухбир **М. Юсупалиев** ўз хатида Зангиота қишлоғида яқин икки-уч йил ичида телефон станцияси, радиоузел, алоқа бўлими барпо этилганлигини хабар қилиб, қишлоқ кутубхонаси ва клубининг меҳнаткашларга намунали маданий хизмат қилаётганлигини кўрсатади.

Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз радиоузелининг намунали иши ҳақида газетхон **З. Тожиев** хабар юборган.

Лекин шу билан бирга областимизнинг айрим шаҳар ва қишлоқларидаги маданий-оқартув муассасаларининг яхши ишламаётганлиги, маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг меҳнаткашларнинг маданий эҳтиёжларини қондиришга етарли эътибор бермаётганликлари ҳақида ҳам редакцияга сигналлар келиб турибди.

Мирзачўл районидаги «Ленинский путь» колхозининг аъзоси **П. Аҳмедов** 57 минг сўм пул сарфлаб радиоузел қурилганлиги, лекин у бироз ишлаб, кейин ишламай қолганлиги ҳақида ачиниб сўзлайди.

Газетхон **Х. Халиловнинг** хабар қилишича, Мирзачўл районидаги «Коммуна» колхозининг кутубхоначиси Х. Аҳмедов ўз вазифасини сидқидиллик билан бажармаётир. Китобхонлар янги газета ва журналларни, қизиқарли, бадиий асарларни ўз вақтида олиб ўқиш имкониятига эга эмаслар, бу ерда китобхонлар конференцияси ўтказилмайди, лаҳа ишлари мавсумида кўчма кутубхоналар ташкил қилинмайди.

Чиноз районидаги Вревск посёлка Советининг кутубхонасида ҳам шу аҳволни кўрамиз.

— Кутубхона биноси шу қадар торки, ундаги 18 минг китобни қўйишга жой йўқ. Икки одам келиб қолгудек бўлса, бири кутубхоначи билан гаплашса, иккинчиси эшикда туришга мажбур, — деб ёзади мухбир **М. Пейсенов.** — Кутубхона учун бино қуриш ёки хоналарни кенгайтириш ҳақида район ижроия комитети раиси Қолдибоев, район маданият бўлими мудири Низомиддинов ўртоқларга бир неча марта шикоят қилинди. Лекин шикоят шикоятлигича қолиб келмоқда.

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзоси **Эркин Мирзаев** ўз хатида меҳнаткашларнинг маданий савиясини оширишда алоқа бўлимлари, почтальонларнинг вазифаси жуда катта эканлигини кўрсатади, лекин Ленин номли колхозга хизмат қиладиган почтальон Исроил Иброҳимов ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараб келмоқда. У газета ва журналларни обуначиларга келтириш ўрнига, колхоз чойхонасига ташлаб кетаберади. Обуначилардан М. Соатов, М. Содиқов, Қ. Даҳибоев ўртоқлар бу йил «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи», «Тошкент ҳақиқати» сингари газеталарга обуна бўлган бўлсалар ҳам биронта газета олмаганлар. Бундай обуначилар кўп.

Қишлоқ жойларда ёш болали аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш айниқса катта аҳамиятга эга. Кўпчилик колхоз ва совхозларда болалар боғчалари ва яслилари мавсумий бўлади. Айрим жойларда эса бу ҳам ташкил этилмаган.

4- «Боёвут» совхозининг ишчиси ўртоқ **Тўраевнинг** ёзишича, 9-бўлимда ясли учун бино қурила бошлаганига бир йилдан ошган бўлса ҳам, у қалигача битгани йўқ. Ясли қурилишини ўз зиммасига олган 8-СМУ (бошлиғи ўртоқ Дорофеев) қурилишни орқага сурмоқда. Колхоз қурилиш бўлими бошлиғи ўртоқ Кротов ҳам бу ишга ҳафсаласизлик билан қарамоқда. Бўлим меҳнаткашлари оналарнинг меҳнатини енгиллаштириш учун ясли очиб берилишини қатъий талаб қилмоқдалар.

Бу совхознинг 9 ва 5-бўлмларида радиоузеллар нормал ишламаётганлиги, кинокартиналар кўрсатиб турилмаслиги ҳақида совхоз ишчиларидан **Х. Зикриллаев** ва **А. Иброҳимов** ўртоқлар хабар юборганлар.

Бекободлик газетхон **Н. Аҳмедов** райондаги Ленин номли колхозда кутубхона учун сотиб олинган китоблар партия ташкилоти секретари кабинетидаги шкафларда сичқонларга ем бўлиб ётганлигидан дарак қилади.

Октябрь районидаги Ленин номли колхозда 3 йилдан буён бир клубнинг қурилиши тугалланмаганлиги, уни битказиб ишга тушириш ҳақида колхоз раҳбарлари қайтирмаётганлиги тўғрисида колхоз аъзоси **Т. Имомов** хат ёзиб юборган.

Верхне-волинск район Куйбишев номли колхозда ҳам ясли ташкил этилган эмас. Газетхон **М. Маматқулов** редакцияга ёзган хатида колхоз раҳбарларини бу масалага жиддий эътибор беришга чақирали.

Редакцияга келаётган хатларни анализ қилганда ҳали областимизда маданий-оқартув ва маиший хизмат масалаларини йўлга қўйишда жиддий камчиликлар борлиги яққол кўринади. Район партия ва совет ташкилотлари, область маданият бошқармасининг вазифаси бу соҳадаги нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиш, меҳнаткашларнинг маданий эҳтиёжларига жиддий эътибор беришдан иборатдир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқи тўғрисида чет эл матбуотида баён қилинган фикрлар

Чет эл матбуоти ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Москва шаҳар Калинин сайлов округи сайловчилари йиғилишида сўзлаган нутқига жуда катта эътибор бермоқда.

Хитойда чиқадиган «Женьминь жибао», «Гуанмин жибао», «Дагун бао», «Гунжэнь жибао» газеталари ва бошқа газеталар Хрушчев нутқининг батафсил баёнини кўзга кўринарли ўринларда босиб чиқардилар. «Жэньминь жибао» газетаси ўз сарлавҳасида «Совет Иттифоқи уруш хавфини йўқотиш учун бутун кучларини сарф қилади. Германия Демократик Республикаси территориясига ҳужум қилиш урушнинг бошланиши демакдир», деб таъкидлайди. «Гуанмин жибао» газетаси «Ҳукуматлар бошлиқларининг кенгаши кескинликни юмшатиш йўлидаги реал қадамдир» деган сарлавҳа остида нутқнинг баёнини босиб чиқарди.

Польша жамоатчилиги Н. С. Хрушчевнинг сайловчилар билан учрашиш вақтида сўзлаган нутқини зўр қизиқиш билан кутиб олди. Польшадаги барча марказий газеталар биринчи саҳифаларида «СССР ҳукуматлар бошлиқлари учрашсин, деб таклиф қилмоқда», «Германия Демократик Республикаси ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўймаймиз», «Бирлашиш — немисларнинг ўз ишидир», «Ҳужум қилмаслик тўғрисида Буюк Британия билан пакт тузиш ҳақида таклиф» каби сарлавҳалар остида Н. С. Хрушчев нутқидан олинган катта парчаларни босиб чиқармоқдалар.

Н. С. Хрушчевнинг сайловчилар йиғилишида сўзлаган нутқида Германия масаласи ва Берлин масаласи ҳақида айтган гаплари Германия Демократик Республикаси жамоатчилиги ва матбуотнинг зўр эътиборини жалб этди. Берлиндаги демократик газеталар Н. С. Хрушчевнинг ана шу гапларини табриклямоқдалар.

Қоҳирада чиқадиган газеталар Н. С. Хрушчев нутқининг баёнини босиб, Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги муноасбатлар ҳақида гапирилган қисмига алоҳида эътибор бермоқдалар. «Алахром» газетаси биринчи саҳифасида йирик сарлавҳалар остида тинчликка душман бўлган кучларнинг Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасига рахна солиш йўлидаги уринишлари тамомила мағлубиятга учради, деб ёзади.

Инглиз матбуоти Н. С. Хрушчев нутқини бош министр Г. Макмиллан билан олиб бориладиган музокаралар билан боғлайди. «Ивнинг стандартд» газетаси Н. С. Хрушчев нутқи тўғрисидаги хабарни «Хрушчев Англияга 20 йил муддат билан пакт тузишни таклиф қилмоқда» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. «Ивнинг ньюс» газетаси ўз сарлавҳасида «Хрушчев тинчликка даъват этмоқда» деб ёзади. Газеталар Н. С. Хрушчевнинг Совет Иттифоқи Англия билан ва бошқа мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга интилаётганлиги ҳақидаги, шунингдек совуқ урушга хотима бериш ва барча халқлар дўст бўлиб яшайдиган муҳитни вужудга келтириш пайти келганлиги ҳақидаги гапларини алоҳида таъкидлайдилар.

Англиядаги баъзи газеталарнинг шарҳлари афсуски, Англиядаги муайян доиралар Англия бош министрининг Москвага қилган сафари тинчлик иши учун самарали натижалар беришидан манфаатдор эмасликларини исбот қилади. Масалан, «Дейли мейл» газетаси қилганидек, ана шу газеталар Н. С. Хрушчевнинг нутқи Англия делегацияси учун «кўнгилсиз зарба бўлиб тушди» деган сўзларни ёзиб, ўз газетхонларини шунга ишонтиришга уринмоқдалар. Ана шу газеталар нима учун шундай эканлигини албатта изоҳлаб беролмайдилар. Англиянинг бутун матбуоти Макмиллан бундан бир йил муқаддам ана шундай шартнома тузиш тарафдори бўлганлигини эслатиб ўтаётган пайтда «Дейли телеграф» газетасининг Совет Иттифоқи дўстлик ва ҳужум қилмаслик тўғрисида Буюк Британия билан шартнома тузишга тайёр эканлиги Макмилланни гўё «қийин аҳволга тушириб қўяди» ва бу гўё тузоққа туширишдан иборат эканлиги тўғрисидаги хабарни жиддий бир парса деб бўлмайди.

25 февраль. (ТАСС).

Совет Иттифоқи ҳукумат делегациясининг Деҳлида бўлиши

ҲИНДИСТОН ҲУКУМАТИ МИЛЛИЙ ПЛАН КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

ДЕҲЛИ, 25 февраль. **(ТАСС мухбири).** Совет Иттифоқи ҳукумат делегацияси бугун Ҳиндистон ҳукумати план комиссиясининг аъзолари билан учрашди. Учрашув «Саноат уйи»да бўлди.

Учрашувда Совет томонидан делегация аъзолари — СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси А. А. Андреев, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Мухитдинов, шунингдек Грузия ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ва Ташқи ишлар министри М. И. Кучава ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

План комиссиясининг ва Совет ҳукумат делегациясининг аъзолари ўртасида дўстона амалий суҳбат бўлди.

План комиссияси раисининг ўринбосари В. Т. Кришнамачари Ҳиндистоннинг иккинчи беш йиллиги вазифалари ҳақида, шунингдек учинчи беш йиллик планнинг асосий йўналиши тўғрисида гапириб берди. Иккинчи беш йиллик планда бўлганидек учинчи беш йиллик планда ҳам, деди у, Ҳиндистон оғир саноатни ривожлантиришга, табиий ресурсларни ишга солиб, кўмир, нефть ва бошқа бойликларни қазиб чиқаришга, шунингдек қишлоқ хўжалигини ва ирригацияни ривожлантиришга катта эътибор беради.

Кришнамачари Ҳиндистоннинг миллий саноатини, жумладан, қора металлургияни, нефть ва фармацевтика саноатини ривожлантиришдаги ҳамкорлик учун Совет Иттифоқига ва совет халқига катта ташаккур изҳор қилди.

А. А. Андреев Совет Иттифоқи Ҳиндистоннинг тез иқтисодий тараққиётини истайди ва совет халқи бу тараққиётга ёрдам бериши билан улуғ ҳинд халқи олдидаги ўз қардошлик бурчини адо этмоқда, холос, деди.

План комиссиясининг аъзолари Совет Иттифоқида планлаштиришнинг энг хилма-хил масалалари билан жуда қизиқдилар.

Совет ҳукумат делегациясининг аъзолари А. А Андреев, Н. А. Мухитдинов ва М. И. Кучава Совет Иттифоқининг янги етти йиллик плани ҳақида сўзлаб бердилар.

А. А. Андреев Совет Иттифоқининг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдаги муваффақиятларига муфассал тўхталди.

Н. А. Мухитдинов саноатни бошқаришнинг қайта ташкил қилинганлиги ва иқтисодий районларда халқ хўжалиги кенгашларининг барпо этилганлиги совет халқ хўжалигини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатганлиги ҳақида гапирди.

Пировардида А. А. Андреев Совет ҳукумат делегациясининг аъзолари совет халқининг катта ҳурматига сазовор бўлган бош министр Неру шахсан бошчилик қилаётган Ҳиндистон план комиссияси аъзолари билан учрашиш имкониятига эга бўлганликларига ҳурсанд эканликларини айтди. У, Совет Иттифоқи планлаштириш соҳасида катта тажрибага эга ва агар Ҳиндистон буни истаса ёр тажрибани ҳамиша баҳам кўра олади, деб таъкидлади.

ҲИНДИСТОН ПАРЛАМЕНТИГА ВИЗИТ

Совет Иттифоқи ҳукумат делегациясининг аъзолари шундан кейин Ҳиндистон Республикаси парламентида бўлдилар. Парламентга кираришда уларни Штатлар кенгаши раисининг ўринбосари Кришнамурти Рао, Халқ палатаси раисининг ўринбосари Сардар Ҳукам Сингх, Ҳиндистон ҳукуматининг парламент ишлари министри Сатья Нарайан Синҳа кутиб олдилар, улар Совет делегацияси аъзоларини самимий табриклидилар. Сўнгра Совет делегацияси аъзолари Халқ палатаси мажлисида ҳозир бўлдилар. Мажлис Халқ палатасининг раиси А. Айянгар раислигида ўтди. Шу пайтда Халқ палатасида «саволлар соати» ўтаётган эди. Депутатларнинг саволларига мудофаа, маориф, молия, ички ишлар министрлари жавоб қайтардилар. Совет ҳукумат делегациясининг аъзолари Халқ палатасида бўлганларидан кейин ҳурматли меҳмонлар дафтарига қўл қўйдилар.

Шундан кейин совет меҳмонлари Ҳиндистон конституциясига мувофиқ Штатлар кенгашида раислик қилаётган Ҳиндистон вице-президенти доктор Радхакришнан раислигида ўтган Штатлар кенгаши мажлисига бордилар. Шу пайтда штатлар кенгашининг мажлисида Ҳиндистон темир йўлларининг бюджети муҳокама қилинаётган эди.

Музокаларда Андхра штатидан Сита Юдвири хоним ва Бомбай штатидан доктор Гане сўзладилар. Улар ўз районларида темир йўл транспортининг ишини яхшилаш тўғрисида бир қанча таклифларни илгари сурдилар. Совет делегациясининг аъзолари Штатлар кенгашининг иши билан танишиб, ҳурматли меҳмонлар дафтарига имзо чекдилар.

Ҳиндистон парламентининг иши билан танишиш тамом бўлди. Штатлар кенгаши раисининг ўринбосари Кришнамурти Рао ва халқ палатаси раисининг ўринбосари Сардар Ҳукам Сингх совет меҳмонларини чойга таклиф этадилар. Бемалол дўстона суҳбат бошланиб кетади. Суҳбатдан кейин делегация аъзолари Ҳиндистон парламентининг раҳбар арбоблари билан самимий хайрлашадилар ва ўз резиденцияси — Ҳайдаробод саройига жўнаб кетадилар.

Е. ЕГОРОВ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РАЖЕНДРА ПРАСАД ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

ДЕҲЛИ, 25 февраль. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми аъзоси А. А. Андреев, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Мухитдинов, шунингдек Грузия ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ва Ташқи ишлар министри М. И. Кучава ва бошқалардан иборат составдаги Совет Иттифоқи ҳукумат делегацияси бугун Ҳиндистон Республикаси президенти доктор Раженд ра Прасад ҳузурида бўлди.

Совет Иттифоқи ҳукумат делегацияси президент Ражендра Прасадга СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловдан ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевдан самимий салом топширди.

Президент Прасад К. Е. Ворошиловга ва Н. С. Хрушчевга уларнинг дўстона тилаклари учун чин кўнгилдан ташаккур айтди.

Тошкентнинг Октябрь районидаги «Комсомол 40 йиллиги» номли мактаб ўқувчилари ўз кучлари билан радиоузел қуриб, ишга туширдилар. Радиоузел орқали мактаб ҳаётига доир хабарлар эшиттириб турилади. Суратда: ўқувчилардан Эътибор Абдуллаева, Муҳаббат Ғуломова ва физика ўқитувчиси Маҳмуд Иброҳимов мактаб радиоузелида.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Қишлоқ мухбирлари билан учрашув

Журналистлар союзи ташкилот бюросининг Тошкент область бўлими ва Оржоникидзе район газета редакцияси ходимлари қишлоқ мухбирлари билан учрашув ўтказди.

Район «Коммунизм тонги» газетасининг вақтинча редактори ўртоқ И. Турсунов ва журналистлар союзи область ташкилот бюросининг маҳаллий матбуотлар тажрибасини оммалаштириш комиссиясининг раҳбари ўртоқ М. Ғозиевлар мухбирларни партиямиз XXI съездининг тарихий қарорлари билан таништириб, съезд материалларини кенг пропаганда қилишда район газетаси олдида турган вазифаларни сўзлаб бердилар. Шунингдек мухбирлар КПСС Марказий Комитетининг Совет матбуотида ишчи ва қишлоқ мухбирларининг оммавий ҳаракатига раҳбарлик қилишни яхшилаш ҳақидаги қарорини ҳам кенг муҳокама қилдилар.

Район «Коммунизм тонги» газетаси ёш, унинг чиқа бошлаганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Шунга қарамай редакция атрофига анчагина қишлоқ мухбирлари уюшган. 40 га яқин мухбир газетага системали равишда хат-хабарлар ёзиб турибди.

— Районимизда газета чиқа бошлаганда, — деди мухбир ўртоқ Латипов,—биз унга актив қатнашдик. Дастлаби вақтда редакция ходимлари бизлар билан алоқани мустаҳкамлаб, мақола ва хабарлар ёзишга ялқиндан ёрдам беришди. Газета қизиқарли бўлиб мазмунли чиқиб турди. Лекин кейинги вақтда редакция мухбирлар билан ишлашни бўшаштириб юборди. Редакция ходимлари бизлар билан жуда кам алоқада бўладилар. Бизларнинг материалларимизга эса газетада кам ўрин берилади. Келган хатлар редакциянинг папкасида ҳафталаб ҳаракатсиз ётади. Мақолаларнинг тақдири нима бўлганлиги ҳақида авторларга хабар қилинмайди. Албатта буларнинг ҳаммаси ишимизга ва газетанинг мазмунли чиқишига салбий таъсир қилаётир. Сўнгги вақтда унинг саҳифалари редакция ходимларининг бир қолипда ёзилган узундан-узоқ мақолалари, республика ва область газеталарида босилган катта-катта материаллар билан тўлиб чиқадиган бўлиб қолди.

Оддий колхозчиларнинг, трактористларнинг ибрат бўларли мақолалари йўқ. Партия ва комсомол ташкилотларининг иш фаолиятлари газетада ўз ифодасини тўла топмаяпти. Илғор сут соғувчи, молбоқар ва пахтакорларнинг меҳнатда эришган галабалари кенг оммалаштирилмаётир.

Мухбир ўртоқ Иброҳимов ўз сўзида газетанинг мактаблар ҳаётидан ажралиб қолганлигини айтди. Районда 810 ўқитувчи бор. Лекин буларнинг кўпи газета ишига актив қатнашмайдилар. Кўп мактабларда политехника таълими муваффақиятли амалга оширилаётганига қарамай бу ҳақда ҳеч нарса ёзилмаётир.

Қишлоқ мухбирларидан Бузруков, Шорасулов ва бошқа ўртоқлар район газетаси маҳаллий Советларнинг иши ҳақида, маиший темаларда ёзиши кераклигини айтдилар. Қизиқарли зарисовка, репортаж ва фельетонлар тез-тез босилиб турсин.

Қишлоқ мухбирлари газетанинг мазмунини ва мухбирлар билан ишлашни тубдан яхшилаш юзасидан кўпгина қимматли таклифлар киритдилар.

Район газета редакцияси қошида қишлоқ хўжалигининг илғорлари ва интеллигентлардан иборат ишчидеҳқон мухбирларининг кенгаши тузилди. Сталин номли колхозда эса мухбирлар пости ташкил этилди.

СУД ЗАЛИДАН

Қотил отишга ҳукм қилинди

Яқинда Тошкент область судининг сайёр коллегияси Қуйи Чирчиқ райони марказидаги клубда Ким Леониднинг жиноий ишини очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Райондаги «Звезда» колхозида вақтинча ишлаган Ким Леонид ўтган йил 22 августда колхоз марказидаги магазинга кириб ичади. Шу пайт магазинга кириб келган Ксения исмли қизга у «ошиқ» бўлиб қолади, унга тегажоглик қила бошлайди. Шундан сўнг у Ксениянинг орқасидан таъқиб эта бошлайди. Колхоз марказидан бироз четлашгач, Ким Леонид Ксениянинг номусига тегмоқчи бўлиб, уни ўрмалай бошлайди. Лекин Ксения унинг ёвуз ниятини амалга оширишга йўл қўймайди. Шундан сўнг Ким Леонид Ксениянинг бир неча ерига пичоқ уриб, уни ваҳшийларча ўлдиради.

Суд қотил Ким Леонидни энг олий жазо — отишга ҳукм қилди. Суд залида ўтирганлар бу ҳукмдан мамнун бўлдилар.

Д. ҚУРУМБОЕВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ЙИҒИЛИШЛАРИ

Пайчиларнинг ҳақли талаби

Район матлубот жамиятлари ва союзлари правлениеларининг ҳисоботи 1 мартгача ўтказилади. Ҳозир область районларида пайчиларнинг участка йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Пайчилар матлубот жамияти ва союзи правлениеси, тафтиш комиссиялари, дўкон мудирларининг ҳисоботини эшитиб, савдо-сотиқ соҳасида эришилган муваффақиятларни таъкидлаш билан бирга аҳолига савдо хизматини янада яхшилаш юзасидан муҳим таклиф ва қимматли фикрларни изҳор қилмоқдалар.

Калинин район матлубот союзи ўтган йили товар оборот планини 104,9 процент бажарди. 1957 йилга нисбатан 1958 йилда 907 минг сўмлик нон, 107 минг сўмлик гўрунч ва 288 минг сўмлик кўп ҳар хил саноат моллари сотилди. Савдо ва умумий овқатланиш тармоғи анча кенгайди.

Бироқ товар оборот плани ортиғи билан бажарилган бўлса ҳам, правление аҳолига савдо хизматини тубдан яхшилаш, умумий овқатланиш соҳасидаги жиддий нуқсонларни бартараф қилган эмас. Савдо хизмати ҳали ҳам талабга жавоб бермайди, овқатларнинг сифати паст. «Коммунизм», Хрушчев номли колхозлардаги магазинларга «йўл ёмон» баҳонаси билан бир неча кунлаб нон етказиб берилмайди.

— Маданий савдо ҳақида кўп вазхонлик қилинади, — дейди «Победа Октября» колхозида ўтказилган ҳисобот йиғилишида пайчи ўртоқ Ҳолматов, — қишлоқ марказидаги дўкон харидорлар талабига мутлақо жавоб бермайди. Янги дўкон қуриш ҳақидаги берилган ваъда ваъдалигича қолиб кетди. Шуни ҳам айтиш керакки, саноат моллари дўконларининг аҳолининг талабига қараб тўғри ва нормага мувофиқ тақсимланмайди. Айрим камчил моллар бир неча дўкондагина сотилади.

«Октябрь самараси» колхозидаги магазинда ҳам пайчиларнинг талаб қилган моллари бўлмайди. Бир кун нон бўлиб, бир кун бўлмайди. Бундай факт райондаги бошқа колхозларда ҳам тез-тез содир бўлиб туради.

Магазин, дўкон ходимлари савдо қоидаларини қўпол равишда бузадилар. Магазин мудирлари Умарова, Ражабов, Расулев ўртоқлар дўконни белгиланган вақтда очмайдилар. Харидорлар уларни узоқ вақт кутишга мажбур бўладилар.

Район матлубот союзи савдо бўлими (мудири ўртоқ Жумабоев) савдо-сотиқ ишларини яхшилаш ва бу соҳадаги камчиликларни бартараф қилишга етарли эътибор бермайди, контроллик жуда бўш. Пайчилар ва умуман харидорларнинг талаб-эҳтиёжи тўғри ҳисобга олинмайди.

Колхозларнинг қишлоқ хўжалик асбобларига бўлган талаби тобора ошмоқда. Бироқ район матлубот союзи колхозларга керакли асбоблари етказиб беришда нуқонлик қилаётир. Генерал С. Раҳимов номли колхоз бундан анча вақт илгари мих, паншаха, 300 кетмон заворлиги ҳақида талаб топширган. Бу иш билан шуғулланувчи ўртоқ Холмуҳамедов эса колхозлар талабига бефарқ қараётир. Райондаги бошқа колхозлардаги магазин ва дўконларда ҳам шу каби асбоб-ускуналар топилмайди.

Район матлубот союзи правлениеси пайчилар қабул қилиш ва аъзолик бадалларини тўлашга ҳам етарли аҳамият бермаган. Ўтган йил 3200 ўрнига фақат 1510 киши аъзоликка қабул қилиниб, 145 минг сўмдан 38 минг сўм аъзолик бадали йиққан.

Тошкент район матлубот союзининг правлениеси 7 участкада 1958 йилги ишлар ҳақида ҳисоб берди. Кооперация аъзолари танқид, ўз-ўзини танқидни кучайтириб, правление ҳамда дўконлардаги камчиликларни ҳаққоний танқид қилаётирлар. Қишлоқ дўконларида хўжалик учун энг зарур бўлган чинни идишлар, мебеллар сотилмайди. Бу нарсалар кўп вақт Октябрь районидаги территориясидаги хўжалик магазинлари орқали пайчиларга эмас, шаҳар аҳолисига сотилади. Болалар ва катталарнинг тайёр кийимлари, шунингдек мавсумий кийимларнинг номи эшитилади-ю, аммо магазинларда топилмайди. «Москва» колхозидаги дўкон мудирлари Акбарова, Эшбоева ўртоқлар системали равишда савдо қоидаларини бузиб келаётган бўлсалар ҳам, уларга чора кўрилмайди. «Москва» колхозида ўтказилган ҳисобот йиғилишида кооперация аъзоси ўртоқ Г. Халилов бундай деди:

— Қишлоқ меҳнаткашларининг саноат моллари, озиқ-овқат ва бошқа нарсаларга бўлган талаби кун сайин ортмоқда. Шунга қарамасдан район матлубот союзи правлениеси ҳали ҳам қониқарсиз ишламоқда. Нонларнинг хили ҳали ҳам кўпайтирилмаган. Сут топширганларга саноат моллари берилиши керак эди. Район матлубот союзи правлениеси ўз вақтида мол бермай, уларни кўп овора қилди. Магазинда пахта ёғи, чойнак-пиёла, пахта сотилганини эслай олмаймиз.

Центросоюз правлениесининг қарорига мувофиқ матлубот жамиятлари ва союзларига қарашли магазин, дўконларда пайчилар учун полка ташкил қилиб, уларни камчил моллар билан биринчи навбатда таъминлашлари керак. Биронта ҳам дўкон, магазинда пайчилар учун алоҳида полкалар ташкил этилмаган. Бу правление ишидаги энг жиддий камчиликлардан биридир.

Сталин номли колхозда ўтказилган ҳисобот йиғилишида пайчилар правлениени жуда тўғри танқид қилдилар. Сўзга чиққан ўртоқлар колхозчиларнинг катта даромад олиб, маданий турмуш кечираётганларини айтдилар. Улар қишлоқдаги харидорларга ҳамон паст назар билан қаралишига тўхталдилар. Колхозчилар кўп вақт матлубот союзи дўконларидан қурилиш материаллари — ёғоч, тахта, шифер ва тунука ололмайдилар. Бежирим, яхши сифатли пальто, костюм бўлмайди. Райунивермаг учун янги бино қуриш тўғрисидаги наказ ҳалигача амалга оширилгани йўқ..

Ҳар икки районда ўтаётган ҳисобот йиғилишлари пайчиларнинг актив иштироки билан кескин танқид остида ўтаётир.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заларида

«ИСКРА» — кеч соат 7 гача янги киноповесть **Тоғдаги ўт,** кеч 7 яримдан **Соат ярим кечада тўхтаб қолди.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 9 ярим, 11-20 минутда **Денгиз ҳақида поэма,** кундуз 1-10 минутдан кеч 6-40 минутгача **Казимир,** кеч 8 ярим ва 10-20 минутда **Жодугар.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 10, кундуз 1-40 минут, кеч 5 ва 8-45 минутда **Тоғдаги ўт,** қолган сеансларда **Соат ярим кечада тўхтаб қолди.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун

РСФСР халқ артисти

Ирина Бугримова

қўл остида янги аттракцион

„ЎН АРСЛОН"

ва 3 бўлимда цирк тамошалари.

Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

1 Май кўчаси, 83-уйда турувчи **Анвар Эшонхўжаевнинг** Пушкин кўчаси, 42-а уйда турувчи Роза Қурбоновна Эргашевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район, 1-участка халқ судида кўрилади.

«Узтоп» Тошкент бўлими Тошкент шаҳар аҳолисига билдиради,

«ТАШТОП» СКЛАДЛАРИ

ордер юзасидан

КЎМИР ВА САКСОВУЛНИ

бир ой муддатида

УЙГА ТАШИБ БЕРИШ УЧУН

аҳолидан, биринчи навбатда пенсионерлардан тарифга мувофиқ

ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

1959 йилнинг биринчи квартали учун берилган ордерлар 1959 йил 30 апрелгача, йилнинг биринчи ярмига берилган ордерлар 31 июлгача ярайди. Ордерлар бўйича кўмирни ўз вақтида олиш лозим.

ҚУЙИЛИҚ КАРЬЕРИ

билдиради,

ТАШКИЛОТЛАРГА

ШАҒАЛ

10 мартгача соат 18 дан 24 гача берилади.

10 мартдан 1 июнгача даврда эса шағал бериш тўхтатилади.

Телевизор экранида

27 ФЕВРАЛДА

19.30. Ўзбек тилида врач суҳбати.

19.45. Ҳужжатли фильм.

20.35. Концерт.

21.05. Сўнгги ахборот.

21.25. Бадиий фильм — «Катта ҳаёт» (2-серия).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808. 136, Ёшлар қурилиши бўлими 136 Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040, Эълонлар бўлими — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1540.